БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 283 (18.161). • 8 декабрь 1981 йил, сешанба • Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРНИНГ «ПРОБЛЕМИ МИРА И СОЦИАЛИЗМА» ЖУРНАЛИ ИШИНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШГА БАҒИШЛАНГАН КЕНГАШИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг «Проблеми мира и социализма» журнали ишини муҳокама қилишга бағишланиб 1981 йил 24—27 ноябрь кунлари Прага шаҳрида ўтказилган кенгашида қатнашган КПСС делегациясининг ҳисоботини кўриб чиқди ва унинг фаолиятини маъқуллади.

КПСС Марказий Комитети журналнинг иши тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм учун кураш мақсадларига мос бўлиб тушади ҳамда коммунистик, ишчи ва революцион-демократик партиялар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам беради, деб ҳисоблайди.

Прагадаги кенгаш ўзининг бутун диққат-эътиборини энг муҳим халқаро проблемага— империализмнинг агрессив сиёсатига қарши ҳаракат қилиш, уруш хавфини тугатиш ва термоядро уруши олдини олиш проблемасига қаратганини КПСС Марказий Комитети мамнуният билан қайд этади. Барча халқларнинг, бутун инсониятнинг ҳаётий манфаатларига дахлдор бўлган шу проблемани ҳал этишнинг қудратли омилларидан бири ишчилар ҳаракати, озодлик, демократик ҳаракатнинг, урушга қарши ғоят кенг ҳаракатнинг куч-ғайратларини бирлаштиришдан иборат. Прагадаги кенгаш тинчлик, социал тараққиёт ва социализм учун актив биргаликдаги курашнинг тарихий аҳамиятини коммунистлар тушунаётганликларини тасдиқлади.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Тошкентда 7 декабрь куни Тошкент область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари область партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленуми қарорларидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган йўл-йўриқларидан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама этдилар. Область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусаҳонов доклад қилди.

Пленум иштирокчилари ўз нутқларида область халқ хўжалигида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш тадбирлари тўғрисида, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш резервлари ҳақида гапирдилар. Капитал қурилишни яхшилаш, қувватларни ўз вақтида ишга тушириш ва ўзлаштириш, куч ва маблағларни ишга тушириладиган қурилишларга, уй-жой ва социал-маиший объектлар, қуришга жалб этиш зарурлиги уқтириб ўтилди.

Пленум пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантиришга, дон, картошка, сабзавот, мева, узум, чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришга катта эътибор берди.

Пленум область коммунистларини, барча меҳнаткашларини 1981 йил ва умуман беш йиллик планлари ва мажбуриятларини муваффақиятли равишда бажаришга сафарбар этиш тадбирларини белгилади.

(ЎзТАГ).

ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ СОЗ ЎТКАЗАЙЛИК

АҲДИ БОРНИНГ НАҚДИ БОР

Чорва қишлови бошланди. Чорвадорлар, хусусан яйлов баҳодирларининг юмушлари дақиқалар сайин кўпайяпти. Чўпон-чўлиқлар ҳаво очиқ ва илиқ кунларда қўйларни яйловларда боқадилар. Кечки совуқ тушиши билан қўйхоналарга ҳайдайдилар. Тунда камида бир марта озиқлантириб, суғорадилар. Қўйлар оёқларининг чигалини ёзиш учун қўйхоналардан унча узоқ бўлмаган яйловларни кездирадилар. Халқимизда «қўлдан берганга қўй тўймайди» деган мақол бор. Уста чўпонлар ўз боқимидаги қўйларни йилнинг тўрт фаслида ҳам яйловларда боқишга ҳаракат қиладилар. Тунда камида 14—15 чақирим йўл бостирадилар.

Совлиқлар урчитилганига анча бўлди. Қиш фаслида бўғоз совлиқлар парваримини айниқса кучайтирилмоғи керак. Бунинг учун ҳар бир хўжаликда қўшимча ем-хашак ажратилган. Ундан ишнинг кўзини билиб, оқилона фойдаланиш зарур. Қиш фаслида ҳар килограмм, ҳар центнер озуқа айниқса ҳисобда бўлмоғи даркор. Чиқимга мутлақо йўл қўйилмаслиги керак. Қўйлар, хусусан совлиқлар қишловдан нечоғли тўқ ва семиз олиб чиқилса, баҳорда эгиз қўзилар олиш шунча кўпаяди. Эҳтиётсизлик орқасида бир бош совлиқнинг чиқимга чиқиши келгусида камида уч бош туёқнинг қўлдан бой берилиши демакдир. Бунга мутлақо йўл қўймаслигимиз керак.

Ҳозир отарларга кўз ташласак, қуйидаги манзарани кўрамиз. Қўйларнинг катта қисми юқори семизликда парвариш қилиняпти. Ўртача семизликдаги қўйлар ҳам бор. Афсуски, ўртадан паст семизликдаги қўйлар ҳам оз бўлса-да учраб туради. Бундай вазиятда нималар қилиш керак? Юқори ва ўртача семизликдаги қўйлар боқимини сира сусайтирмаган ҳолда, ўртадан паст семизликдаги қўйларни қўшимча озуқа рациони билан парваришлаш лозим. Шунда ана шу нисбатан ориқ ва нимжон қўйлар қишки совуқларга бардош беради. Биз ҳар йили қиш фасли давомида ориқ қўйларга кунига 200 граммдан қўшимча концентрат ва тўйғуна майдаланган аралаш озуқалар берамиз. Шундай қилиб, қишловни бехатар ўтказамиз.

Совхозимизда 82 минг бошдан зиёд қўй боқиляпти. Шу йил баҳорда олинган соғлом ва зотдор қўзилардан салкам 10 минг боши ўстиришга қолдирилди. Қиш фаслидаги муҳим вазифалардан бири ана шу қўзитўхлилар парваришини бутун чоралар билан кучайтиришдан иборат. Чунки қўзитўхлилар биринчи марта қиш шароитида ҳаёт кечиради. Қишловдан соғлом олиб чиқилса, эрта баҳордан бошлаб шароитга кўниб кетади ва келгусида яхши наслдор бўлади. Совхозимизда қўзитўхлилардан ташкил қилинган отарларга энг тажрибали бош чўпонлар қўйилди, мутахассислар уларга ҳар қадамда амалий ёрдамлар беришяпти.

Бу йил Қизилқум яйловларида табиий ўтлар ҳар йилдагидан сероб бўлди. Ем-хашак тайёрлаш бригадалари аъзолари яхши меҳнат қилиб, озуқани кўп жамғардилар. Қўйхоналар қишловга яхши мослаштирилди. Чўпон-чўлиқлар, фермаларнинг ходимлари, уларнинг оила аъзолари иссиқ кийим-кечаклар, озиқ-овқатлар билан тўла таъминланди. Бир сўз билан айтганда, чорва қишловини намунали ўтказиш учун ҳамма нарса муҳайё этилди.

Совхоз маъмурияти имкониятларни ҳисобга олиб, Ортиқбой Давлетбоев, Кетменбой Амиров, Жунус Тулековлар бошқарувчилик қилаётган фермаларнинг қўйларини «Қорасув», «Ойбусин», «Оқерна» массивларида қишловга қолдиришни лозим топди. Хўжаликда ташкил қилинган махсус бригада аъзолари бутун қишлов давомида фермаларнинг аҳволидан мунтазам хабар олиб туради, амалий ёрдам беради.

Совлиқлардан эгиз қўзилар олишда, уларни ўстиришга сақлаб қолишда яхши натижаларга эришаётган бош чўпонларимиз кўп. Шуниси ҳам қувончлики, Ўрозали Кеулов, Нуритдин Қўрбонбоев, Али Хўжамжаров, Ахин Жўмашов каби бош чўпонларнинг отарларида қўй ёки қўзиларнинг чиқимга чиқиш ҳоллари бутунлай тугатилди. Айни кезда семизлик даражаси тобора оширилмоқда. Чорва қишловининг соз ўтказилиши бунинг бош омилидир. Бизларнинг отарларимизда ҳам шундай муваффақиятларга эришилмоқда. Қўзилатиш мавсуми давомида олинган уруғчи қўзиларнинг ҳаммасини наслга асраб қолганмиз, барча имкониятларимизни сафарбар этиб, қишловдан тўқ ва яхши семизликда олиб чиқиш учун курашмоқдамиз.

Қоракўл қўйлар ҳақида гап борар экан, совхозимизда сур қоракўл терилар берадиган қўйлар кўпайтирилаётганини мамнунлик билан айтиб ўтамиз. Сур қоракўл териси тайёрлайдиган махсус бригада ташкил қилинди. Унга Ерменбек Айтмуҳонов бошчилик қилмоқда. Бригада чўпон-чўлиқларининг дастлабки йилги иш якуни бизнинг шароитимизда сур қоракўлчилигини ривожлантириш яхши самаралар беришини кўрсатди. Ҳар 100 бош совлиқдан ҳозирча 120 тадан соғлом қўзи олинди. Ўн биринчи беш йилликни сур қоракўл тери берадиган совлиқларни кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш беш йиллигига айлантирамиз.

Сур қоракўл терилар хўжаликка катта иқтисодий фойда келтиришини бир мисолда кўрсатиб ўтмоқчимиз. Кўк ёки қора тусли терларнинг ҳар донаси давлатга 25—30 сўмга сотилади. Бир дона сур терининг харид баҳоси эса 65—70 сўм туради. Шундай экан, сур терини кўпайтиришни бутун чоралар билан кучайтирмоғимиз керак. Бу борада мутахассислар ва олимлар биз чўпон-чўлиқларга ёрдам беришлари лозим. Айни кезда бошқа хил қоракўл терилар-нинг камайишига сира йўл қўймаслигимиз даркор. Касбимиз қўйчивон экан, бу севимли ишимизни ҳамиша ривожлантирмоғимиз зарур. Бу эса гўшт, сут, жун ва бошқа хил маҳсулотларнинг кўпайтирилиши ҳам демакдир.


Бу йилги қишловни ҳар қачонгидан ҳам уюшқоқлик билан ўтказиш учун ҳар бир отарга 100 тоннадан 150 тоннагача дағал хашак, 10 тоннадан витамин уни тайёрланди ва қишлов жойларига келтириб қўйилди. Айрим ферма ва отарлар совхоз марказидан 200—220 чақирим олисликка жойлашган. Уларга ёрдам кўрсатиш учун 20 та трактор-тележка, 30 та юк машинаси ажратилди. Ёрдамчи ишчи кучлари бириктирилди. Коммунистлар, партиясиз активлар энг қийин участкаларда туриб иш олиб борадиган бўлдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил) Пленумидаги сермазмун нутқини биз, чўпон-чўлиқлар зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдик. Шу асосда бу йилги ишларимизга якун ясадик, камчиликларни олиб ташладик, келаси йил улкан режаларнинг аниқ белгилаб олдик. Шуни қувонч билан айтамизки, совхозимиз давлатга 263 тонна гўшт, 17.500 дона юқори сорт қоракўл тери етказиб бериб, 1981 йил топшириқларини анча олдин бажарди. Енгил саноат корхоналарига етказиб берилган жун 141 тоннадан ошиб кетди.

1982 йилда янада улканроқ вазифаларни ҳал қилмоғимиз керак. Бунда ҳамма турдаги маҳсулотларни кўпайтириш устида гап боряпти. 1985 йилга бориб эса қўйлар сони 100 минг бошдан оширилади. Гўшт тайёрлаш 40 процент, қоракўл тери 25 процент, жун 20 процент кўпайтирилади. Яна такрор айтамизки, ана шу марраларни погонама-погона эгалламоқ учун бу йилги чорва қишловини аъло даражада ўтказмоғимиз, келаси йил қўзилатиш мавсумига ҳозирдан бошлаб пухта тараддуд кўрмоғимиз, туёқ сонини тўла сақлаб қолмоғимиз, қиш қийинчиликларини мардлик билан енгиб, янги марраларни забт этмоғимиз керак. Партия ташкилотлари раҳбарлигида бунга эришамиз.

Б. ТУКОЕВ,
Қ. БИДИҚОВ.
Беруний районидаги «Қизилқалъа» совхозининг бош чўпонлари.

СССР 60 СОВЕТ ЭНЕРГЕТИКЛАРИ ҲАФТАЛИГИ







РАСМЛАРДА: 1. Андижон гидроузелида электр станция қурилиши давом этмоқда. 2. Шаҳрихонсой соҳилида жойлашган Тополин қишлоғи. Бу ерда гидроиншоот бунёдкорлари истиқомат қилишади. 3. Андижон гидроузели қурувчилари 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг сувоқчи-бўёқчилар бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати М. Малишевская номини ҳурмат-эҳтиром билан тилга олишлар. У зарбдор меҳнат намуналарини кўрсатиш билан бирга ёшларнинг меҳрибон мураббийси ҳамдир.

Б. Штин чизган расмлар.

«ПРОМЕТЕЙ»ГА ФАХРИЙ ЁРЛИҚ

Москвалик совет цирк санъати усталари Ўзбекистон пойтахтидаги ўз гастролларини 7 декабрь куни ҳайралашув томошаси билан тугалладилар. Улар бу томошани пахтакорларнинг мириштикорларига, Тошкентдаги меҳнат коллективлари социалистик мусобақа илғорларига совға қилдилар. Тошкент цирки гумбазлари остида қирқ кундан кўпроқ вақт қаттиқ қарсаклар янграб турди. Томошабинлар СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Владимир Волжанский раҳбарлигидаги «Прометей» коллективининг ҳар бир томошасини ана шундай қарсаклар билан кутиб олдилар. Санъатнинг кўпгина жанрлари намойиш қилинган программани болалар ҳам, катталар ҳам зўр қизиқиш билан кутиб олдилар.

Мутахассисларнинг ҳисоблашларича, цирк санъатида камдан-кам учрайдиган ҳодиса — спектакль ана шу программанинг энг кўркам номери бўлган. Кишиларга олов инъом этган Прометей тўғрисидаги афсона шу спектаклга асос қилиб олинган. Александр Скрябиннинг «Аланга поэмаси» бошқа атоқли композиторларнинг музикали асарлари асосида яратилган спектакль анъанавий цирк жанрларини хореография ва бошқа санъат турлари билан узвий равишда боғлайди. Коллектив раҳбари ишлаб чиққан энг янги техника жиҳозлари постановканинг асосий ғоясини — жасоратга интилаётган инжодкор инсон маҳкинн ифода этишга ёрдам беради.

«Прометей» цирк коллективига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи тантанали вазиятда топширилди. Коллектив кўп миллатли совет цирк санъатининг энг яхши ютуқларини пропаганда қилишда муҳим роль ўйнаган, меҳнаткашларни бадиий-эстетик руҳда тарбиялашга, СССР халқлари дўстлигини янада мустаҳкамлашга актив ёрдам берган гастролларни муваффақиятли ўтказганлиги учун шу мукофотга сазовор бўлди.

(ЎзТАГ).

Ишга туширилиадиган объектларда

МУДДАТ ЯҚИН

КПСС XXVI съездида қабул қилинган СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида: «Химия ва нефть химияси саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 30—33 процент кўпайтирилсин. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 1985 йилда шартли бирликлар ҳисобида 150—155 миллион тоннага... етказилсин», деб уқтириб ўтилган. Партия анжуманининг тарихий қарорларини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан Фарғона областида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Шулардан бири — Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида қад кўтараётган йирик тоннажли аммиак қурилиши. У республикамиз қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаш борасида муҳим аҳамиятга эга. Бу комплексда қурилиш-монтаж ишлари шу йилнинг тўртинчи кварталида якунланиб фойдаланишга топширилиши мўлжалланган.

— Пилига 450 минг тонна аммиак ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган комплекс қурилишида, — дейди бирлашма капитал қурилиш бўлими бошлиғи Д. Салтикова, — меҳнат шижоати энг юксак даражага етди. Бунёдкорлар қурилиш бошланганидан буён 68 миллион 200 минг сўмлик асосий фондларни ўзлаштирдилар. Уларнинг 23 миллион сўми қурилиш-монтаж ишлари ҳажмидандир.

Ҳозир бинокорлар олдида технологик ускуналар термоизоляцияси каби энг машаққатли ишлар турибди. «Стройтермоизоляция» ташкилотининг ўзигина қисқа фурсатда бир миллион уч юз минг сўмлик капитал маблағларни ўзлаштириши лозим. Бу коллектив шу мақсадда катта ҳажмдаги меҳнат фронти билан таъминланган. Бироқ изолировкачилар тўла қувват билан ишга киришишга ошиқмаяптилар. Бунга бошқармада ишчи кучининг етишмаслиги сабаб бўлмоқда. Топширинни муваффақиятли уддалаш учун қурилиш майдонида 300—400 ишчи қатнашишини таъминлаш лозим. Афсуски, изолировкачилар сони 100—120 кишини ташкил этмоқда, холос.

Ҳозирги кунда қурилишдаги ишлар монтажчилар билан келишилган ҳолда саккизта майда комплексга бўлинган график асосида амалга ошириляпти: бу, кимёвий сув тайёрлаш, қозон цехи, ҳаво компрессияси бўлинмаси, технологик ускуналар ва қувурларни ҳаво билан тозалаш, катализаторлар билан тўлдириш ва кимёвий усулда ювиш, ускуналарни гидравлик усулда синаш ва технологик цехларни электр энергияси билан таъминлаш масалаларидир. Бинобарин, уларнинг ҳаммасини қурилиш-монтаж ишлари тугалланишини кутиб ўтирмасдан параллель бошлаб юбориш мўлжалланган. Шу мақсадда ҳафталик графиклар тузилди. Бугунги кунга қадар қурувчилар комплекснинг илк қалдирғочи — насос станциясини тўла фойдаланишга топширишди. Навбатда — кимёвий сув тайёрлаш, сувни туздан тозалаш бўлинмаларни ва қозон цехи турибди. Буларсиз умуман комплексни ишга туширишни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Бироқ бу объектлардаги бажарилиши лозим бўлган ишлар сабабсиз чўзиб юборилмоқда, топшириш муддатлари кечиктириб келиняпти. Аслида бу бўлинмаларда асосий монтаж ишлари ниҳоясига етган, уни фақат пардозловчилар чўзиб келяпти. Бош пудратчи — Меҳнат Қизил Байроқ орденли 8-қурилиш трестига қарашли 4-қурилиш бошқармаси (бошлиғи А. Скворцов) пардозловчилари юқорида эслатиб ўтилган цехлар маиший корпусларида ҳам катта ҳажмдаги ишларни амалга оширишлари зарур. Лекин бу ерда ҳам талай ишчи кучи етишмаяпти. Ҳаммадан ҳам биноларнинг томини ёпиш билан шуғулланаётган Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 108-механизациялашган кўчма колонна қурувчиларининг бегамлиги ташвишга солмоқда. Дарвоқе, кузнинг биринчи ёмғирлари бу йилги қишнинг ташвишини барвақт бошлаб юборди.

Айни кунларда қурилиш-монтаж ишлари синов учун ишга туширишга ишлари билан бир маромда олиб борилаётган экан, демак, қурилиш майдонини ободонлаштириш ҳақида қайғуриш фурсати ҳам келди. Бунинг учун алоқа коммуникациялари, водопровод ва канализация билан боғлиқ ер остига ишларини тезроқ якунлаш даркор. Шундан кейингина йўлларга асфальт ётқизиб кўкаламзорлаштириш масаласини ҳал этиш мумкин. Бу борада инженерлик коммуникацияларини билан шуғулланаётган 9-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи жонбозлик кўрсатса фойдадан холи бўлмасди.

Умумий ютуқларда қурилиш бошқармаларидаги комсомол-ёшлар бригадаларининг ҳиссаси салмоқлидир. Бош пудратчи — 8-трест, «Нефтезаводмонтаж» трестининг 2-монтаж бошқармаси, 5-Фарғона механизация бошқармаси ва бошқа кўплаб ташкилотларнинг комсомол-ёшлари ибратли меҳнат қиляптилар. 4-қурилиш бошқармасининг Сервер Измайлов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси социалистик мусобақада актив иштирок этиб, план топшириқларини ойига 130—140 процент ядо этиб келмоқда. Бригада аъзолари йил бошида 5 кунлик топшириқни 3,5 кунда бажариш ташаббуси билан чиққан эдилар. Амалда эса бу вазифа 3,2 кунда уринглатиляпти.

Қурилишда энг масъулиятли дамлар бошланди. Бош пудратчи — 8-трест ҳамда «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилотлари қурилишнинг ҳар бир участкасида қатъий меҳнат интизоми ва қурилиш жараёнларининг мунтазамлигига эришиш учун катта ишларни ҳамкорликда амалга оширмоқдалар.

Ишга туширилдиган комплекс учун кадрлар тайёрлаш ҳақида шу комплекс бошлиғи М. Раҳматов қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

— Ҳозирги кунга келиб барча технологик сменалар ишчилар билан таъминланди, техник раҳбарлар ва смена бошлиқлари ишчилар билимини ва малакасини ошириш учун уларнинг ўқишига раҳбарлик қиладилар. Уларнинг кўпчилиги Иттифоқимиздаги турдош корхоналарда стажировкани ўтаб қайтдилар. Ускуналарни монтаж қилиш давомида операторлар технологиянинг нозик томонлари билан таништиряптилар, мураккаб химиявий агрегатларга хизмат кўрсатишни ўрганяптилар. Лекин ёрдамчи хизматларни комплектлаш ёмон аҳволда. Автоматчи, слесарь, электрчи ва бошқа касб ишчилари етишмай турибди. Ўйлаймизки, бу муаммолар ҳал этилиб, республика химия саноатининг йирик объекти ҳисобланган комплекс ўз вақтида ишга туширилади.

А. ЭРГАШЕВ,
Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Деҳқон бўлсанг, шудгор қил!

Республика областларида шудгорлашнинг бориши тўғрисида шу йил 7 декабрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда шудгорланган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан бу-ён (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

ТОШКЕНТ	—	**100,0**
ҚҚАССР	0,7	**95,0**
Сирдарё	2,5	**88,1**
Жиззах	5,6	**86,8**
Наманган	4,3	**75,0**
Фарғона	4,5	**63,3**
Андижон	4,6	**54,7**
Хоразм	0,4	**51,8**
Қашқадарё	3,2	**45,0**
Бухоро	2,5	**37,7**
Самарқанд	0,8	**34,2**
Сурхондарё	8,9	**25,7**
Республика бўйича:	3,3	**61,9**

ҚАҲРАМОНЛАР ЖАСОРАТИ МАНГУ

6 декабрь куни Тошкентнинг барча районлари намояндалари шаҳар марказига келдилар. Улар дақшатли қирқ биринчи йилда Ватанимиз пойтахтини душман галаларидан қаттиқ туриб ҳимоя қилган жангчиларнинг қаҳрамонлигини шарафловчи плакатлар, транспарантларни кўтариб олган эдилар. Бу ерда, ҳар бир киши учун азиз жой — Номаълум солдат қабри ёнида немис-фашист қўшинлари Москва яқинида тор-мор этилган кунининг қирқ йиллигига бағишланган умумшаҳар митинги бўлиб ўтди.

Сўзга чиққан нотиқлар — Москвани мудофаа қилишда қатнашган ветеранлар, кенжа авлод намояндалари пойтахт ҳимоячиларининг жасорати мангу сўнмаслиги тўғрисида, уларнинг намунаси барча совет кишиларини Ватан шоншуҳрати йўлида янги зафарларга чорлаётганлиги ҳақида гапирдилар, Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларининг шонли анъаналарини ардоқлаб сақлашга ва кўлайтиришга чақирдилар.

... Номаълум солдат қабрига Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг Ҳарбий кенгашидан, Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетидан, Москва мудофаси қатнашчиларидан, шаҳар корхоналари ва мутахассислари коллективларидан гулчамбарлар қўйилди.

Туркистончи жангчилар абадий олов ёнидан шахдам одим ташлаб ўтдилар.

(ЎзТАГ).

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Республикамиз меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларидан руҳланиб зарбдорларча меҳнат қиляптилар. Ўзбекистон ССР халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаб чиқариш илғорлари, новаторлари ўз плантопшириқларини ортиғи билан бажариб қўйдилар.

7 декабрь куни ана шундай ишлаб чиқариш илғорлари, новаторлари, рационализатор ва ихтирочилар, олимлар ва мутахассислардан бир группаси Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг мукофотларига сазовор бўлди. Ишлаб чиқариш илғорлари ва журналистларга Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг дипломлари ва пул мукофотлари топширилди.

ДЎСТОНА ВИЗИТ БИЛАН

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов ВСИП Марказий Комитети ва Венгрия ҳукуматининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан 7 декабрда Москвадан Будапештга жўнаб кетди.

СССР давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида Н. А. Тихоновни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *

Н. А. Тихонов ва унга ҳамроҳ бўлган кишилар шу куниёқ Венгрия пойтахтига келишди.

СССР ва ВХР давлат байроқлари билан безатилган Ферихедь аэропортида Совет ҳукумати бошлигини ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Советининг Раиси Д. Лазар, ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, саноат министри Л. Мехеш, ВСИП Марказий Комитетининг секретари А. Денеш, ВХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Учиш майдонида фахрий қоровул саф тортиб турди. Н. А. Тихонов билан Д. Лазар жангчилар сафи олдидан ўтдилар. СССР ва ВХР давлат гимнлари ижро этилди. (ТАСС).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: РАЙКОМГА ХАТ КЕЛДИ

ЖОНЛИ МУЛОҚОТ

Тонг бўзармай, соат тўртларда уйдан чиқиб кетганича, икки юз қирқ километр йўл босиб, даштга борди. Нима қилсин, район катта, катта-кичик ишлар беҳисоб. Ҳосилдорликда ҳам областда энг юқори. Имкониятлари бироз чекланиб, «шифт»га яқинлашиб қолган. Район алоҳида оролдек, бир ёнидан Қашқадарё, иккинчи ёнидан Оқдарё оқади. Атрофи тоғлар билан қуршалган. На бир парча бўш ер, на яйлов бор.

Область партия комитети олис Муборак даштидан янги ер ажратиб берди. У ерда ҳам бу йил ўттиз минг тонна пахта етиштирилиши керак. Унинг ҳам ташвишлари бир районнича келади: янги кучи топ, техника тақ-ёрла, шийпон қур, ариқ оч, ер текисла, ёнилғи таши, одамларга шароит ярат, хуллас, «Шаҳрисабз массиви» деб аталмиш улкан бир масъан ва унда меҳнат қилаётган чўлқуварлар ташвиши... У бу массивнинг икир-чикирларигача аралашиб, ҳар бир соҳадан кўз-қулоқ бўлиб турмаса бўлмайди. Ҳар куни телефон қилади, ялоғини топиб, ҳафтада бир-икки бориб келади. Елда тиним бўлса борки, секретаримида тиним йўқ, дейишади деҳқонлар. Мана, бугун ҳам тонгда туриб кетганича кун ботгунда районга қайтиб келди. Ювинибгина, тамадди қилдию, ўтирган жойида кўзлари юмилиб кета бошлади. Ёстиқ кўзларига оҳангробдек кўринди. Лекин тарки одат — амри маҳол, дейишади. Бунга бир ўрганса, иш режими бузилиб кетади.

Секретарь шартта ўрнидан турди-да, осуда кўчалардан шаҳдам юриб, идорага борди. Қоровул билан саломлашиб, иккинчи қаватга чиқди. У механизаторлардан келадиган хат ва аризаларни ўша куннинг ўзида ўқишга одатланган: «Бугунги ишни эртага қолдирма», — қабилида иш тутади. Эҳтимол, уларнинг ичида шошилинч ёрдам сўраб ёзилганлари бордир. Одамлар умид билан райкомнинг биринчи секретарига, шахсан унинг номига ёзибдики, демак ҳамма муҳим! Уларни ўқиб бўлмагунча кўнгли тинчимайди, ухлолмайди ҳам.

Туш. Осуда хона. У хаёлларини йиғиб олиш учун дераза олдига борди. Катта майдон. Ўлкан минорлар. Тарихий ёдгорлик — Оқсаройнинг пақшинкор девори ой нурида кумушланиб кўринади. Оёғи остидаги полга ҳам деразадан тушаётган ой нури тўшалган. У симчироқни ёқдида, ўрнига бориб ўтирди. Столдаги рақамланган хатларни бир-бир олиб ўқий бошлади.

Ой уфққа ёнбошлаб, чинорларнинг ердаги сояси деворларга кўтарилди. Унинг кўзи райком умумий бўлими мудири Вера Иосифовна Солдатова дастхати билан ёзилган бир қоғозга тушди. Оғзаки шикоят билан қабулга келганларни ёки хат-саводи пастроқларнинг арзини Вера Иосифовна расмиятчилик билан овора қилмасдан ўзи шундай расмийлаштиради. Хатда «Ҳужум» бадиий бўюмлар фабрикасининг тўқувчиси Муаззам Тиллаева эрталаб ишга болалари ўқишга кетганида, электр симдан учқун чиқиб, уйи ёниб кетганлиги маълум қилинган эди. Ҳовли эски усулда қурилган, деворлари чўпкори-қалама. Ўт ўчирувчилар ўчириб бориб, жарима солишган. Кийим-кечак, кўп нарсалар ёниб, қоп-қора кўмир бўлиб қолди.

Ҳарфлар титроқ бармоқлар билан юлиб ёзилгани сезилиб турибди. «Вера опа ачиниб, яна бир йиғлабди-да!» Райком секретари Неъмат Ҳикматов аризаларнинг ва шикоятчиларнинг райкомга келишини кутиб ҳам юрмайди. Ўзи хўжалик ва ташкилотларда бўлганида йўл-йўлакай меҳнаткашлар билан жонли мулоқотда бўлади, кўп масалаларни ўша жойда ҳал қилади, ҳал бўлмаган аризаларни: «Сизлар овора бўлиб юрманглар», — деб ўзи олиб келаверади.

Масалан, Китоб станциясида бўлганида Чкалов кўчасида яшовчи Розия Сайдаметова деган аёлдан ариза тушди. У йигирма йилдан буён шаҳар касалхонасида ҳамшира бўлиб ишлаган. Эри вафот этгач, фарзандларига нафақа белгиланган. Кейин нафақа ноқонуний белгиланган деб, Сайдаметованинг етмиш сўмлик маошидан ҳар ойда қирқ сўмдан ушлаб қолишган. Сайдаметова эса олти фарзанди билан ҳар ой ўттиз сўмга қараб қолган. Бу ариза ревизорлар ёрдамида текширилиб, зудлик билан ҳал этилди.

Шакартери қишлоқлик Носир Ашуров уй-жой шароитини яхшилашда ёрдам беришни сўраб, қишлоқ Совети раҳбарларига бир неча бор мурожаат қилади. Лекин талаби қондирилмайди. У райком биринчи котибига шикоят қилгандагина тегишли ёрдам олишга эришди. Ёки Карл Маркс номли совхоз ишчиси Берди Нарзиқуловни олайлик. Уни бригадир Шерали Алиев шахсий муросасизлик туфайли ишдан нотўғри бўшатади. Ишчи ҳақиқат излаб совхоз директори Шодиқул Мўминовга қайта-қайта учради. Афсуски, у шикоятни муфассал текшириб чиқишга вақт ҳам, тоқат ҳам тополмайди. Охири ишчи райкомга мурожаат қилишга мажбур бўлади. Бекор юрган ойлари учун ҳам ҳақ тўлаб, ишчи ўз жойига тикланади.

Район партия ташкилотлари меҳнаткашларнинг хатлари ва шикоятларига алоҳида эътибор бераётирлар. бу борадаги ишларни КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифлари билан ишлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этмоқдалар. Райком секретарлари, бюро аъзолари хат ва аризаларни ўз вақтида ҳал этишда чинакам партиявий принциплилик ва ҳушёрлик кўрсатмоқдалар.

Хатлар билан ишлашнинг аҳволи ҳар олти ойда бюро мажлисида, ҳар кварталда секретариатда кўриб борилаётир. Меҳнаткашларнинг илтимослари, таклифлари ва шикоятларини хайрихоҳлик билан ўз вақтида кўриб чиқиш партия ва совет ташкилотлари, хўжалик органларидаги ҳар бир мансабдор шахс олдига қўйиладиган сўзсиз талабга айлантирилди.

Ҳар бир хат замирида жонли одам, уларнинг тақдири туради. Меҳнаткашлар муқаддас дарғоҳ — партия комитетига умид билан мурожаат қиладилар. Буни яхши билган Шаҳрисабз район партия комитети, унинг секретарлари ва бюро аъзолари меҳнаткашларнинг хатларига ҳеч қачон бефарқ қарамайдилар. Бу нуқсонсиз коммунистчасига меҳнат қилишга ўргатади, омманинг кайфиятини, жамиятимизнинг томир уришини сездириб туради.

С. НУРОВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ФАКТ ВА ШАРҲ

«НУР ДАРЁЛАРИ» ТУТАШМОҚДА

«Туркманистондан Ўзбекистонга катта энергия ўта бошлади. Мари ГРЭСи — Қоракўл ўртасида тортилган 500 киловольт кучланишли электр линияси ишга солинди».

(ЎзТАГ хабаридан).

Биз бу фактни шарҳлаб беришни Ўрта Осиё туташ энергия системаси бирлашган диспетчерлик бошқармаси бошлиғи М. ВАСНЕЦОВдан илтимос қилдик.

— Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимиз, шу жумладан, Ўрта Осиё региони экономикаси тобора ривожланиб, унинг электр энергиясига бўлган талаб-эҳтиёжлари тобора ортиб боряпти. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг гидроресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан арзон энергия ҳосил қилишни янада жадаллаштиришга, янги иссиқлик нурхоналари қуришга, мавжудларининг қувватларини оширишга катта эътибор беряпти. Энергосозлар капитал маблағлар самарадорлигини ўстириш, фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини жорий қилиш ҳамда энг дадил ечимларни ишлаб чиқишда тадбиркорлик намуналарини кўрсатяптилар. Сўнгги йилларда амалга оширилган ишларнинг яна бир хусусияти шундаки, Ўрта Осиёда ғоят юксак кучланишли юзлаб километр электр линиялари тортилмоқда. Масалан, 500 киловольт кучланишли линия қардош Тожикистонда қад кўтарган Норак ГЭСини Регар билан, ундан сўнг Регарни Ғузор билан, Ғузорни эса Сирдарё ГРЭСи бунёдкорлари масканига айланган Ширин шаҳри билан боғлади. Ширандан Тўқтағул ГЭСи ва Тошкент ГРЭСи томон ҳам шундай линиялар тортилди. Бундан мақсад нима? Юксак кучланишли линиялар жорий қилинса, линияларда кучланиш кўпайтирилиши билан энергияни бошқа жойларга юборишда унинг нобудгарчилиги анча камаяди. Бинобарин, неча ўн минглаб тонна шартли ёқилғи тежалади. Табиий газ, мазут, гидроэнергия ва кўмир сарфи анча қисқаради. Мари ГРЭСи — Қоракўл ўртасида ўрнатилган янги «электр кўприк»ка келсак, шуни айтиш мумкин: 386 километр узунликдаги бу линияни Тошкентдаги «Средазэлектросетьстрой» ва Москва «Спецсетьстрой» трестларининг азамат бунёдкорлари қурдилар. Бу линия кўп жиҳатдан ноёбдир.

— Михаил Николаевич, шу ҳақда озроқ тўхталсангиз?

— Аввало, у региондаги энг узун линиялардан бири ҳисобланади. Шунингдек, унинг Ўрта Осиё халқ хўжалигидаги аҳамияти ҳам катта. Биринчидан, Туркманистоннинг энг катта электр станцияси — Мари ГРЭСи эндиликда тежамли энергия линияси орқали химия ва кон-металлургия саноати интенсив ривожланаётган Зарафшон водийсининг «нур дарёси» билан боғланди. Шу тариқа биз Туркманистонда ҳосил қилинаётган ортиқча энергияни саноат токи тақчиллиги сезилаётган жойларга жуда оз нобудгарчилик билан юборишга муваффақ бўлмоқдамиз. Иккинчидан, Мари ГРЭСининг энергияси Қоракўлга етгач, у ердан Жанубга — катта-катта насос станциялари қурилган Қарши чўлига юборилиб, гидротехника иншоотлари самарали ҳаракатга келтирилмоқда. Учинчидан, Ўрта Осиё туташ энергия системасига бириккан Норак, Сирдарё, Тўқтағул ва Тошкент нурхоналарининг иш режимини анча яхшилаш имконияти туғилди. Бунда Тожикистон, Ўзбекистон ва Киргизистонда бунёд этилган «электр фабрикаларига» қардош Туркманистондан ёрдам қўли чўзилганлиги назарда тутилмоқда.

Юксак кучланишли линияларни тортувчилар эса ҳамон ишланишда, ҳамон зарбдор вахтада. Улар ўн биринчи беш йилликда улкан бунёдкорлик режаларини тузишган. Беш йиллик охиригача қозир Қарши чўлида тикланаётган Толлимаржон ГРЭСига, ундан эса Ғузор сари электр линиясини тортадилар. Ўшанда биз, энергия системаси диспетчерлари электр оқимини кенг кўламда маневр қилиш имкониятига тағин қўпроқ эга бўламиз. Бу — бешта қардош республика: Ўзбекистон, Туркманистон, Киргизистон, Тожикистон ва Қозоғистон нурхоналарининг машина-ускуналари самарадорлиги янада ошади, тежамкорлик режими кучаяди, саноат зоналари, шаҳар ва қишлоқлар бир меъёрда энергия билан таъминланаверади, деган гап.



Наманган пойабзал фабрикаси меҳнатчилари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашда дуруст натижаларга эришмоқдалар. Сифат белгисини олган оёқ кийимлари ўтган йилдагидан 200 минг сўмликка кўпайди. Суратда: корхонанинг илғор тикувчи-мотористқаларидан Зулфия Ҳасанова.

Ҳ. Ҳайдаров фотоси. (ЎзТАГ).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Кеча редакциямиз текшириш ва чора кўриш учун юборилган гражданлар шикоят ва аризаларига партия, совет ташкилотлари, министрлик ва идоралардан ўн тўртта жавоб олди. Уларнинг кўпчилигида газетхонлар хатларидаги фактлар асосан тасдиқланган, текшириш натижалари юзасидан белгиланган чора-тадбирлар амалга оширилаётганги, шунингдек, эътирозга сабаб бўлган камчилик ва нуқсонлар бартараф этилаётгани маълум қилинади. Қуйида меҳнаткашлардан олинган хатларга келган айрим жавобларнинг қисқа мазмуни билан танишасиз.

ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Фарғона районидаги Димитров номли колхоздан ёзилган коллектив ариза текширилди. Натижада хатда кўрсатилган фактлар тасдиқланди. 1981 йил бўйича ревизия ўтказилганда колхознинг молиявий-хўжалик фаолиятида катта камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Ревизия натижалари район партия комитети бюроси мажлисида кўриб чиқилиб, бюро қарорига мувофиқ колхоз раиси Х. Мирзаев вазифасидан бўшатилган ва унга виговор берилган. Колхоз ферма мудири М. Комилов эса партия сафидан ўчирилди ва икки йил озодликдан маҳрум этилди. Ишлаб чиқаришда нуқсонларга йўл қўйган бошқа шахслар ҳам жазоланганлар.

ХАТИРЧИ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

— Райижроком шуни маълум қиладики, газетхонлардан Турсунов, Бойматов, Аҳмедовлар томонидан «Зарафшон» совхози директори Х. Йўлдошев устидан ёзилган шикоят хатда кўрсатилган фактлар асосан тасдиқланди.

Район партия комитети бюроси қарорига кўра, совхоз ишчи-хизматчиларига қўпол муомалада бўлгани, бухгалтерия устидан назоратни бўшаштириб юборгани ва бошқа камчиликларга йўл қўйгани учун совхоз директори Х. Йўлдошевга ҳайфсан эълон қилинди.

Район партия комитети ва район Совети ижроия комитети томонидан совхозда ташкилий ва сиёсий ишларни яхшилаш, аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжини қондириш юзасидан барча чора-тадбирлар кўриляпти.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

«Сурхангидрострой» трестининг Деновдаги қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи йиллик планни барвақт адо этганлиги ҳақида талаба портига имзо чекди. Улар бош пудрат бўйича пландаги 4 миллион 446 минг сўмлик ўрнига 5 миллион 292,4 минг сўмлик бунёдкорлик ишларини бажаришга эришдилар. 555 гектар ер очиб фойдаланишга топширдилар. Тўпаланг гидроузели қурилишида фаол иштирок этиб, салкам 3 миллион сўмлик ҳажмида иш бажардилар.

Х. РАЙИМОВ.

КИМНИНГ ҚИШЛОҒИ ЧИРОЙЛИ

Қишлоқ аҳоли пунктларини энг яхши замонавий типда қуриш ва ободонлаштиришга бағишланган Бутуниттифоқ конкурсида 15 қардош республика ва қатор маъмурий районлар қатнашмоқда. Улар қишлоқларни қайта қуришга комплекс ёндашиш борасидаги мувaффақиятларини Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида намойиш этишмоқда. Шулардан 312 таси кўргазманинг мукофотларини олишга муваффақ бўлди.

Қишлоқларни янги замонавий услубда қайта қуриш, уларда аҳоли учун зарур бўлган барча маданий ва маиший шароитларни вужудга келтириш коммунистик жамият қуришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Чунки замонавий индустриал техникага таянган қишлоқ хўжалиги интенсив ривожлана борган сари барча ишлаб чиқариш жараёнлари машина-механизмлар зиммасига юкланиб, қишлоқ меҳнаткашларининг жамиятимизда яратилган барча маънавий ва моддий бойликлардан тобора тўлароқ фойдаланишга имкониятлар яратилади. Шу сабабли келажакни кўзлаб, барча қулайликларга эга кўркам ва обод аҳоли пунктлари қурилиши йил сайин авж олмоқда. Уларнинг энг яхшилари Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси, СССР Госстрои, СССР Қишлоқ хўжалиги, Қишлоқ қурилиши, Мелиорация ва сув хўжалиги министрликлари, СССР Госстрои қошидаги Граждан қурилиши Давлат комитети, ВЛКСМ Марказий Комитети, ВЦСПС, СССР архитекторлар союзи «Сельская жизнь» ва «Строительная газета» газеталари томонидан уюштирилаётган Бутуниттифоқ кўрик-конкурсининг мукофотларини олишга сазовор бўлмоқда. Қишлоқларни янги замонавий типда қуриш ва ободонлаштиришга бағишланган мусобақанинг 1967, 1970, 1975 ва 1978 йилларда ўтказилган беш босқичида 5845 қишлоқ посёлкалари қатнашди. Шулардан энг яхшилари — 1243 посёлка Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг мукофотларини олди.

КПСС XXVI съездига тайёргарлик ва ўн биринчи беш йиллик биринчи йили давомида ўтказилган 6-босқич натижалари қишлоқларни қайта қуришга партия, совет ва хўжалик органларининг янада қатъият билан киришганларини кўрсатди.

Шу давр мобайнида республикамизда қишлоқларни қайта қуришга катта аҳамият берилди. Барча қулайликлари муҳайё бўлган кўплаб посёлкалар қурилди.

Хоразм область, Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхозда қурилган Қурултой қишлоғи, Андижон область, Пахтаобод районидаги «Коммунизм» колхозида қурилган Маданият қишлоғи, Бухоро область, Пешқу районидаги Абу Али ибн Сино номли колхозда қурилган Афшона қишлоғи Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг Фахрий дипломларини олишга сазовор бўлди.

Жиззах область, Жиззах районидаги «Москва» колхозида қурилган Жиззахлик заСурхондарё область, Сариосиё районидаги «Коммунизм» совхозида қурилган Янгиобод посёлкалари виставкасининг биринчи даража дипломига, Андижон область, Ленин районидаги «Правда Востока» колхозида қурилган Қайрағоч қишлоғи, Жиззах область Мирзачўл районидаги Сегизбоев номли 19-А совхози, Қашқадарё область, Шаҳрисабз районидаги «Социализм» колхози, Сурхондарё область, Ленин йўли районидаги Қосим Раҳимов номли 5-совхоз марказлари, Тошкент область, Ғалаба районидаги Ленин номли колхозининг Янги ҳаёт қишлоғи ва Коммунистик районидаги «Правда» колхозининг Арқонча қишлоқлари иккинчи даражали дипломга сазовор бўлишди.

Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг учинчи даражали дипломларини олишга сазовор бўлганлар ичида Андижон область, Балиқчи районидаги «Партия XXV съезди» колхозининг Алимбек қишлоғи ва Избоскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг маркази, Жиззах область, Октябрь районидаги Охунбобоев номидаги 30-А, Сирдарё область, Оқолтин районидаги «Партия XXIII съезди» совхозларининг маркази, Наманган область, Янгиқўрғон районидаги «Москва» колхозининг Қараскон, Самарқанд область, Иштихон районидаги «Муродобод» колхозининг Халқобод посёлкалари, Тошкент область, Янгийўл районидаги Ленин номли колхозининг Ниёзбоши қишлоғи, Фарғона область, Ленинград районидаги Энгельс номли колхозининг Гумбаз, Қирғоз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг Томоша қишлоқлари, Хоразм область, Шовот районидаги «Партия XIX съезди» совхозининг Маданият қишлоғи бор.

Кўрик-конкурснинг ҳайъати Ўзбекистон ССРнинг кооператив ва якка уй-жой қурилишини ривожлантиришдаги ташаббускор фаолитини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Чет элларда

ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МУҲИМ ФАОЛИЯТИ

Кипрнинг илғор жамоатчилиги Кипр — Совет дўстлик ва маданий алоқалар жамиятининг 20 йиллигини кенг нишонламоқда. Республика пойтахтида жамиятнинг 6-юбилей конгресси бўлиб ўтди. Жамиятнинг Лимасол, Ларнака, Пафосдаги бўлимларида ҳам тантанали йиғилишлар ўтказилди. Тантаналарда қатнашиш учун «СССР — Кипр» жамияти делегацияси бу ерга келди.

Биз Кипр ва Совет халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантиришни ўзимизнинг бош мақсадимиз, деб ҳисоблаймиз, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда жамият президенти П. Палиодорос. Ўтган йигирма йил мобайнида талайгина ишларни бажаришга муваффақ бўлинди. Биз турли дастил кўргазмаларни, совет фильмлари фестивалларини ташкил этишга катта аҳамият бермоқдамиз.

Бизнинг кўмагимиз билан туристик группалар составида Совет Иттифоқига бориб келган минг-минглаб кипрликлар тўғрисида ҳам гапирмасдан бўлмайди. Улар Москва, Ленинград, Киевда ва бошқа ажойиб совет шаҳарларида бўлиб, ўз юртига унутилмас таассуротлар билан қайтиб келмоқдалар.

Бизнинг халқимиз, деди пировардида П. Палиодорос, Совет Иттифоқига қадимдан дўстона туйғуларини изҳор этиб келмоқда. Совет Иттифоқи Кипр проблемаси адолатли ҳал этилиши учун ва бахтиёр келажаги учун Кипр олиб бораётган курашда уни мунтазам қўллаб-қувватламоқда.

(ТАСС).

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

ФИН ХАЛҚИНИНГ БАЙРАМИ

ХЕЛЬСИНКИ. Финляндия миллий байрами — мустақиллик кунини нишонлади. Фин матбуоти мустақиллик кунига бағишланган материалларда, жумладан Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасидаги дўстона ва яхши қўшничилик муносабатлари катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Бу муносабатлар дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1948 йилда тузилган шартномага асосланади.

Газеталар КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Финляндиянинг миллий байрами — мустақиллик куни муносабати билан Финляндия Республикасининг раҳбарларига йўллаган табрик телеграммаларининг текстларини эълон қилди.

Совет — Финляндия дўстлиги анъанавий ойлиги мустақиллик куни нишоясига етди. Бу ойлик 7 ноябрда — Улуғ Октябрь йиллиги байрами кунида бошланган эди.

УРУШ ХАВФИ ТУГАТИЛСИН

МИЛУОКИ. Мамлакатдаги 150 жамоат ва сиёсий ташкилотларининг вакиллари бу ерга Қўшма Штатларнинг ҳамма томонларидан «Инсониятни сақлаб қолиш йўлидаги сафарбарлик» коалициясининг бешинчи миллий конференциясига йиғилдилар. Милуоки университетида ўтказилаётган шу анжумандан кузатилган мақсад ядро уруши хавфини тугатиш учун оммавий курашнинг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишдан иборатдир. Университет аудиторияларида: «Қуролланиш пойгасига чек қўйилсин!», «Маблағлар кишиларнинг эҳтиёжига сарфлансин» деган шиорлари янграмоқда.

Вашингтон маъмурияти социал иқтисодий программаларга маблағларни нақадар мислсиз қисқартираётган бўлса ҳарбий ҳозиргиларни ҳам шу қадар мислсиз кўпайтиришга киришди, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда конференция ташкилотчиларидан бири бостонлик Съюзен Ливена хоним. Бу сиёсат миллион-миллион америкаликларга ҳаддан ташқари оғир кулфатлар келтиради, деб ўқтиради у. Биз ана шу сиёсатни тубдан ўзгартириш учун курашиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

ЖАНГ ҲАРАКАТЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ТЕҲРОН. Эрон Курдистонида курд нсёнчилар отрядлари билан «Ислом инқилоби посбонлари» бўлинмалари ўртасида жанг ҳаракатлари давом этмоқда.

Форс агентлигининг хабар қилишича, декабрнинг дастлабки кунларида Кузераш, Ҳуркуре, Агбаррзе, Қизилқанд қишлоқлари яқширин шароитда иш олиб бораётган қуролли унсурлардан озод қилинган.

(ТАСС, 7 декабрь).

ЖИДДИЙ ТАҲДИД

Қўшни мамлакатлар энг янги қурол-яроғларни зўр бериб кўлайтираётганлиги ва Ҳинд океанида кескинлик кучайиб бораётганлиги Ҳиндистоннинг хавфсизлигига жиддий таҳдид солмоқда. Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди ҳукмрон Ҳиндистон миллий конгресси партиясининг Маҳараштра штатидаги ташкилоти активлари билан учрашувда шуларни айтди.

Ташқи агрессия хавфи кучайиб бораётган бир шароитда, деб таъкидлади Бош министр, ҳукумат мамлакатнинг мудофаа қобилиятини юксак даражада сақлаб туриш учун зарур чораларни кўрмоқда. Ташқи ёв ички реакция кучлари ўз ҳаракатларини активлаштириб юборган ҳозирги пайтда, унинг сўзларига кўра, партия билан халқ сафларининг бирлиги ғоят муҳим зарурдир. Индира Ганди мамлакат қуролли кучларини душман кучларининг Ҳиндистон чегараларидаги ҳар қандай кирдикорларига зарба беришга тайёр бўлиб туришга даъват этди.

(ТАСС).

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

✦ АНҚАРА. Туркия соғлиқни сақлаш министрлиги Туркия пойтахтида бундан 15 кун олдин бошланган ич терлама касали натижасида 12 киши ўлди, деб хабар беради. Анқара аҳолисидан 900 дан ортиқ киши касалхоналарга ётқизилган. Канализация ва сув таъминоти системаси бўлмаган қашшоқлар яшайдиган кварталларда касаллик тарқалганлиги аниқланди. Анқаранинг медицина маъмурлари шаҳар аҳолиси ўртасида терламага қарши эмлаш кампаниясини ўтказа бошладилар.

✦ ҚОҲИРА. Миср таможня ходимлари Ал-Ариш шаҳрида Мисрга 400 та бриллиант ва қимматбаҳо тошларни олиб келишга уринган исроиллик «туристни» қўлга олдилар, деб хабар беради «Ал-Аҳром» газетаси. Миср матбуоти инкала мамлакат ўртасидаги «сулҳ» шартномасига мувофиқ Миср Араб Республикаси билан Исроил ўртасида чегара очиб қўйилганидан кейин Ар-Ариш шаҳри яширинча савдо, жумладан наркотик моддалар билан савдо қилишнинг катта марказига айланганлигини ўқтириб ўтади.

(ТАСС, 7 декабрь).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **ПАРИЖ.** Катта ёшдаги французларнинг 33 проценти шу йил мобайнида бирорта ҳам китоб ўқимаган. Софрес ташкилоти жамоатчилик фикрини билиш мақсадида ўтказган савол-жавоб натижасида шу нарса маълум бўлди. Айни вақтда французларнинг бешдан бир қисми бугунги кунда фаол китобхон бўлиб қолмоқда: у ҳар ярим ойда биттадан кўпроқ китобни ўқиб туширмоқда. Энг севимли жанрлар орасида роман биринчи ўринда қолмоқда, шундан кейин тарихга доир ва детектив китоблар кўпроқ ўқилмоқда.

● **ЛИССАБОН.** Португалиянинг қишлоқ хўжалиги жуда танг аҳволга тушиб қолди. Миллий экономиканинг шу энг муҳим тармоғида ишлаб чиқаришнинг ғоят паст даражада эканлиги натижасида мамлакат ғаллада йилларда ўзи учун энг керакли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қарийб 30 процентини чет эллардан сотиб олишга мажбур бўлмоқда.

● **ДЕҲЛИ.** Ҳиндистон полицияси қуролланган заминдорлар шайкасининг бошлиғи К. Сингхни қамоққа олди. Шу шайка Уттар-Прадеш штатидаги Деоли қишлоғида 20 нафар батракдан ўч олган эди. Батракларнинг «айби» улар қонунда белгиланган иш ҳақи минимумни тўланишини талаб қилганликларидангина иборат бўлди. Штат ички ишлар министри Р. Трипатхи Лакхнауда журналистларга шуни маълум қилди.

Мамлакат демократик жамоатчилиги қишлоқ меҳнаткашларининг ҳуқуқларини қатъий ҳимоя қилмоқда ва қулоқлар билан помешчикларнинг зўравонлигига чек қўйилишини, ер ислоҳоти амалда рўёбга чиқарилишини талаб қилмоқда.

● **ТЕҲРОН.** Эронда Қўшма Штатларнинг 1980 йил апрель ойи охирларида гаровга ушлаб қолинган америкаликларни озод этиш учун Эронга қарши қилган қуролли агрессиясига доир ҳужжатлар ва фотосуратлар тўпламини эълон қилишди. Бу ҳужжатлар Америка агентлиги ўз вертолётларидан Тебесга десант тушириш арафасида Эроннинг ҳаво ҳужумидан мудофаа воситаларини бунёд ташлашга уринганликларини кўрсатади.

● **ТОКИО.** Бир қанча қуролланган кишилар бир неча кун давомида Окинава оролининг Кунигами қишлоғи яқинидаги йўлда тунлари автомобиль ҳайдовчиларига нун бермадилар. Улар автоматлар ўқталиб, автомобилларни тўхтатдилар, пассажирларни тинтув қилиб, уларни таҳқир этдилар. Бу «сирли» безорилар граждан нийимини кийган АҚШ денгиз пиёда аскарлари эканлиги аниқланди. Улар шу ёвузликлари билан «партизанларга қарши кураш усули»ни пишиқтирмоқчи бўлган эканлар. Американинг Окинавадаги қуроллари кучлар қўмондонлиги, деб хабар беради Жонаи пресс сервис агентлиги, орол аҳолисини машқ вақтида «шартли душман» деб ҳисоблаб, улар билан бебошларча муомала қилмоқда.

(ТАСС, 7 декабрь).

СССР 60

ЖИЗЗАХНИНГ УЛКАН „ОҚ ОЛТИН“ ХИРМОНИ

360 МИНГ ТОННАДАН ОРТИҚ ПАХТА ТАЙЁРЛАНИБ, СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

Чўлқуварлар чўл инъом этаётган улкан хирмонларни йилдан-йилга юксалтириш тадбирларини кўрмоқдалар. Партиямиз белгилаб берган улуғвор режалар йил сайин яратувчилик ҳаракатини авж олдириш, меҳнатда жасорат ва тадбиркорлик намуналарини кўрсатиб, янги-янги зафарларни эгаллашни тақозо этади.

Қўриқ области меҳнат аҳлининг бу йилги кураши ҳам серқуёш ўлкамизнинг улкан пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшиш, бу соҳада табиат инжиқликларини мардонавор енгиш, агротехника тадбирларини амалга оширишда жасорат ва ватанпарварлик намуналарини кўрсатиш шиори остида ўтди. Ана шу курашнинг самараси туфайли областимизнинг пахтакорлари бугун Ватан хазинасига 360 минг тоннадан ортиқ чўл дурдонаси армуғон этиб, зиммаларига олган улкан социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари оширib бажардилар. Ялпи ҳосилнинг 80 проценти биринчи сортларга ўтказилди.

Халқимиз меҳр билан дала гвардиячилари деб ном берган азамат механизаторларимиз каҳрамонона меҳнатлари билан техника қудратини намойиш этдилар. Сифатли дефолиация қилиниб, яхши тайёрланган далаларда йиғим-терим ипатоволиклар методи асосида олиб борилди. Уч миллион зиёд пахта териш машиналари ва барча зарур техника воситаларини ўзида бирлаштирган 300 терим-транспорт отрядлари намуна кўрсатиб ишлади. Ҳозиргача етиштирилган барча пахта ҳосилининг 83 проценти машина-механизмлар ёрдамида йиғиштириб олинди. Ҳар бир терим машинаси бункеридан ўрта ҳисобда 100 тоннадан «оқ олтин» тўкилди. Йил сайин пахта хирмони 30—40 минг тоннага оширилаётир. Масалан, бу йил етиштирилган ҳосилимиз ўтган йилдагидан 40 минг тонна кўпдир.

Пахтакорларимиз бу йил табиатнинг барча инжиқликларини матонат билан енгидилар. Айниқса, табиий офат кенжа Зарбдор районида анча оғир кечди. Шамол аралаш ёққан йирик дўл бўйи салкам бир метрга етиб қолган ғўза ниҳолларини ёғизиб, савалаб кетди. Лекин ҳеч ким руҳан тушмади. Табиий офат оқибатларини тугатишга қарши бир танбир жон бўлиб курашдилар.

Шундай пайтда пахтакорлар ёнида бўлган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари, хусусан, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ҳурматли Шароф Рашидович Ўзининг қимматли маслаҳатлари ва амалий ёрдамлари билан катта мадад бердилар. Ана шу маслаҳат ва кўрсатмаларнинг тўғри амалга оширилиши, далада ташкилий ва сиёсий ишларнинг юксак савияда ташкил этилиши оқибатида партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимлари, хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларининг тадбиркорлиги туфайли қийинчиликлар бартараф этилди.

Ёз ойларида иссиқлик ҳароратининг пасайиб кетиши туфайли ғўза ривожида юз берган қолоқликни тугатиш учун область партия комитети билан область Совети ижроия комитети барча меҳнаткашларга қарата Мурожаатнома қабул қилди. Оммавий сафарбарлик туфайли бегона ўт ва ғўза зараркунандаларига қарши кураришда яхши натижалар қўлга киритилди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш керакки, чўлқуварлар бу йилги деҳқончилик учун анча оғир келган шароитда ҳам мисли кўрилмаган даражада мўл ҳосил етиштирдилар. Бунга техниканинг шарофати, қолаверса, чўлда кўп ва сифатли пахта етиштиришда катта тажриба тўплаган механизаторлар, сувчилар ва бошқа касб эгаларининг бир ёқадан бош чиқариб, сабот ва матонат билан қилган меҳнатлари, йил бўйи тўкkан пешана терлари туфайли эришилди. Галдари вазифа етиштирилган ҳосилни тез, тоза ҳамда сифатли йиғиштириб олишнинг асосий омили ҳисобланган дефолиация-нинг қисқа муддатларда сифатли ўтказилишини таъминлашдан иборат бўлди. Бу соҳада граждан авиацияси экипажлари пахтакорларга мададкор бўлишди. Натижада терим машиналарининг ёппасига ишлаши учун имконият яратилди.

Терим-транспорт отрядлари қошида иш олиб борган муваққат партия группалари, сифат комиссиялари, назоратчилар механик-ҳайдовчиларнинг унумли ишлаши учун ҳар томонлама қулай имкониятлар яратиб беришди.

ЧЎЛҚУВАРЛАР САХОВАТИ

Пахтани териш ва топшириш дала — бункер — тележка — пункт усулида олиб борилди. Коммунист ва комсомоллар, касаба союз актив-лари социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш, унинг ошкоралиги ва оммавийлигини таъминлаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг намунали йўлга қўйишда катта ташкилотчилик кўрсатдилар. Шу боисдан ўн кун давомида йиллик планнинг 4—5 процентти миқдорида пахта топширишга муваффақ бўлинди. Бу суръатга терим машиналари техника имкониятларининг кенглиги ҳамда унинг штурвалига ўтирган механик-ҳайдовчиларнинг маҳорати туфайли эришилди.

Ана шундай механик-ҳайдовчилардан бири Дўстлик районидаги Ленин номли совхоз механизатори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўлан Дадажонов ҳамда машҳур пахтакор, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Носировнинг беш нафар ўғиллари бўлишди. Тўлан Дадажонов ўз машинаси бункеридан 630 тоннадан зиёдроқ, акаука Носировлар эса 1600 тоннадан кўпроқ дур тўкдилар. Фақат октябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида 70—100 тоннадан пахта териб, мусобақада голиблик қилган Мирзачўл районидан Шахабой Алдабеков, Қилич Аъзамов, Дўстлик районидан Абдураҳим Алимқулов, Муҳаммад Аҳмедов, Арнасой районидан Одилжон Носиров, Қўлдош Турлибеков, Октябрь районидан Қўчқор Мансуров, Баҳром Иброҳимов, Пахтакор районидан Қодир Матқаримов, Асқар Раҳмонов, Жиззах районидан Рауф Қодиров, Ҳамид Абдуназаров, Зарбдор районидан Эгамберди Яхшиликовларнинг ҳар бири бункерлардан 220—300 тоннадан пахта тўкишга эришди.

Пахта етиштириш бўйича беш йилликка мўлжалланган планларни муддатидан илгари бажариш ҳаракати чўлқуварлар ўртасида ҳам авж олдирилаётгани яхши натижалар бермоқда. Бу ташаббуснинг бошловчилари йил бошиданоқ ҳосилдорликни 50—60 центнерга етказиш шиорини ўртага ташлаган эдилар. Бугун улардан бири — Пахтакор районидаги Ульянов номли совхозининг бригада бошлиғи, КПСС XXVI съезди делегати, Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофоти лауреати Холбуви Рустамова бригадаси аъзолари юз гектар ернинг ҳар гектаридан 60 центнердан «оқ олтин» етиштиришга эришдилар. Бригада бошлиғининг ўзи машина бункеридан 250 тоннадан кўпроқ пахта тўкди. Бундай талабкорлар сафига Дўстликдан Омон Абдуллаев, жиззахлик Нормат Розиқов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Умри Орифжонова, Номоз Содиқов, арнасойлик Турғун Аҳмедов, мирзачўллик Валентина Шчипаевалар бошлиқ бригадада азаматларини қўшиш мумкин.

Қўриқ ерлардан олинган мўл ҳосилга областда биринчи бўлиб маррага етиб келган Арнасой районн пахтакорлари салкам 60 минг тонналик пахта хирмони билан катта улуш қўшдилар.

Бу 1975 йили районда эришилган натижадан роса 31 минг тонна кўпдир. Дўстлик райони меҳнаткашлари қўшган ҳисса ҳам ҳар қачонгидан улкан бўлди. Улар эл хирмонига салкам 80 минг тонна «оқ олтин» армуғон этдилар. Қувонарлиси шундаки, мазкур районларда ялпи хирмоннинг 90 процентдан кўпроги машиналар бункеридан тўкилди. Шу туфайли областимизда машиналар билан пахта териш йиллик плани республикада иккинчи бўлиб бажарилди.

Область ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ҳосил йиғим-терими суръатини жадаллаштириш учун барча зарур сиёсий-ташкилий ишларни амалга оширдилар.

Идеология иши, кўп сонли агитаторлари, сиёсий ходоротчи ва ташкилотчиларни, область, район, партия комитетлари ҳамда «Билим» жамияти лекторларини бирлаштирган агитколлектив иши йиғим-терим тақдирни ҳал этилаётган ерга — далага кўчирилди.

Биз Тошкент шаҳри меҳнат коллективларининг отаплиқ ёрдамларидан, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари кўрсатган беминнат мададларидан бехад мамнунмиз. Улар «Ўроқ ва Болға» ҳамкорлиги ва ҳамдўстлигининг ленинча принципларига содиқ туриб хизмат қилдилар. Биз ишчи ва деҳқон ҳамдўстлигига чуқур садоқат билан қилган ғамхўрлари учун уларга чин дилдан миннатдорчилик билдирамиз.

Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили учун зиммамизга олган социалистик мажбуриятимизни бажардик.

Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг барча турлари бўйича белгиланган давлат планлари ортиғи билан бажарилди. Она-Ватан чўлқуварларидан ҳар йилгидан анча кўп галла, сабзавот, полиз, мева, узум, шолла, жун, ғўшт, тухум ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қабул қилиб олди. Бу чўлқуварлар саховати КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини ҳаётга изчил жорий этиш учун қилган фидокорлигининг самарасидир.

Т. БОЙМИРОВ.
Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари.





ПАХТАЗОР ДАРҒАЛАРИ

Қўриқ Жиззах области ўзининг меҳнатда сималган тажрибали донгдор аршунослари билан машҳур.

Суратларда: (юқорида) 1. Донгдор механик-ҳайдовчи Марҳабо Жумабоев (Арнасой районидаги Юлиус Фучик номли совхоз). У мавсумда укаси Бейсенбой билан 560 тоннадан зиёд «оқ олтин» терди.

2. Бригада бошлиғи Бенмирза Қамбаров (Пахтакор районидаги Ульянов номли совхоз). Ўзи бошлиқ бригада аъзолари 65 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 20,5 центнер ўрнига 35 центнердан хирмон уйишди. Бригада етакчисининг ўзи 200 тоннадан зиёд дурдонани агрегат бункеридан тўкди.

3. Механик-ҳайдовчи Гулжамол Усмонова (Дўстлик районидаги «Комсомол» совхози). Паша Ангелина мукофоти лауреати бўлган бу оташқалб қиз мавсумда 230 тоннадан зиёд пахта терди.

А. Тўраев, Ш. Иброҳимов, К. Жўрақулов фотолари.

ЗАФАРЛАРИМИЗ —ЮБИЛЕЙГА

СССРнинг 60 йиллигига 60 минг тонна «оқ олтин» етиштириш учун бел боғлаган Арқасой районн пахтакорлари йиллик пахта тайёрлаш планларини областда биринчи бўлиб бажарган эдилар. Бу ғалабага район хўжаликлари ичида энг кўп улушни Юлиус Фучик номли совхоз пахтакорлари қўшишди. Хўжалик меҳнаткашлари «Совет Ўзбекистони» газетасида босилган ўз тадбирларида бу йил 11 минг тонна ўрнига 15 минг тонна «оқ олтин» етиштиришни белгиладилар. Бугунгача улар белгилаган 2300 тонна кўп — 15 минг тонна пахта ўйдилар. Қуйида Юлиус Фучик номли совхоз директори Йўлдош ВОҲИДОВ хўжалик саршуносларининг 15 минг тонналик хирмон яратиш йўлидаги ишлари ҳақида ҳикоя қилади.

Совхозимиз райондагина эмас, областда энг йирик ва юқори ҳосилли хўжаликлардан бири ҳисобланади. Азамат пахтакорлар бунёд этилган 15 минг тонналик хирмоннинг 95 процентини машиналар билан йиғиштириб олдилар. Бу муваффақиятга ишимизда илғор агротехника ва комплекс механизацияга асосланган Тошкент технологиясини изчил жорий этишимиз орқали эришдик. Ҳар бир агротехник тадбирнинг ўз вақтида ўтказилгани яхши самаралар берди. Ҳатто ғўза зараркунандалари — кўсак қурти ва ўргимчакканага қарши кураш тадбирлари ҳали ғўза гулламасдан олдин кўриб қўйилган эди. Шу сабабли пахта ўз вақтида пишиб етилди. Мавжуд 147 терим машинаси барвақт ишга тушди.

Ўктам Муллажонов, Санд Аноркулов бошлиқ бўлимлар азаматлари ишни пухта ташкил этдилар. Шу боис бу бўлимларнинг Алиқул Аҳмедов, Чирмаш Абдусамедов, Исроил Ёрбеков, Ҳамрогул Ниёзова, Суюн Абдиев, Эргаш Қўшназаров, Исмат Носировлар бошлиқ бригадалар азаматлари йиллик планларини 10—15 иш кунида уддаладилар. Бугунгача ана шу бўлим ва бригадаларда машинада пахта териш планлари 1,5—2 ҳисса бажарилди.

Ака-ука Носировларнинг ҳайрли ишлари кўпчиликка ибрат бўлди. Улар сафига акаука Жумабоевлар ҳам қўшилишди. Бу икки оилавий экипаж аъзолари хўжаликнинг 2 минг тоннадан ошиқроқ пахтасини териб бердилар.

Ака-ука ташаббускорлар изидан борган Йўлдош Усмонов, Носир Аҳмедов, Шодн Мажидов сингари механик-ҳайдовчилар бункердан 200—220 тоннадан дурдона териб, яхши натижаларга эришдилар. Машиналар шарофати билан Тургун Аҳмедов, Абдусаттор Эсиргапов бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик планлаштирилганидан 10—15 центнерга ошди.

Механизаторларимиз пахта териш жараёнида республика партия ва ҳукуматининг ҳосил сифатини яхшилаш ва пахтачилик самарадорлигини ошириш юзасидан белгилаган тадбирларини бир дақиқа ҳам унутишмади. Оммавий ахборот воситалари, агитаторлар, сиёсий ахборотчилар чўлқуварларни янги меҳнат зафарларига илҳомлантирдилар.

Долзарб паллада беминнат ёрдамга келган Тошкент халқ хўжалиги институти талабалари бизга катта кўмак беришди.

Шу кунларда совхозимиз механизаторлари мавжуд майдонлардаги ғўзапояларни қарчовка қилиш ва ерларни сифатли шудгорлаш ишларини қизғин давом эттиришмоқдалар. Органик ва минерал ўғитлар агрономларимиз тузиб чиққан тупроқ картограммасига мувофиқ ҳар бир майдоннинг таркибига кўра белгиланган миқдорда солинялти. Бу ишда, айниқса ўғит жамғарувчи бригаданинг фаолияти диққатга сазовор. Бригада аъзолари фермалар, ёрдамчи хўжаликлар ва совхоз ишчиларининг молхоналардан гўнг тўплашда жонбозлик кўрсатишаётир. Бу қилаётган ишларимиз келгуси йил мўл ҳосилга пухта замин бўлади.

ҲАШАРЧИЛАР ҲИММАТИ

Пахтакор республикамизда яшаётган ҳар бир киши улкан хирмон тақдири учун курашаётган энг долзарб кунларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаати эълон қилинди. Мурожаатдаги «Шаҳарлар ва посёлкаларнинг меҳнаткашлари, студентлар ва ўқувчи ёшлар! Сиз шу масъулиятли дамда қалб даъватига, бурч амрига кўра пахтакорларга ёрдам бергани келдингиз. Сиз қийин дақиқаларда ҳамиша шундай қилиб келгансиз. Бугун ҳам шундай дамлар етиб келди. Пахта даласи сизларнинг ҳаммаларингизни — пахтакорларнинг ишонган дўстлари ва содиқ ёрдамчиларини кутмоқда», — дейилган даъваткор сўзларга амалий иш билан жавоб беришга бел боғлаган институтимиз талабалари ва педагоглари пахтазорга отландилар. Уша кунларда 2 мингдан зиёд йигит-қиз Октябрь райони далаларида жасорат кўрсатиб меҳнат қилишди.

Жанубий Мирзачўл массивида жойлашган бу ерларда ҳар бир ишчи ҳисобига 10—12 гектар ер тўғри келади. Машина киролмайдиган ерлардаги қисмини териб олишга ишчи кучи етишмайди. Нонининг ушоғи ҳам нон дегандек, ана шу ҳосил ҳам пахта, «оқ олтин». Биз ана шундай далалардаги дурдонани йиғиштириб олишда чўлқуварларга кўмаклашиш учун райондаги Охунбобоев номли, Ҳамид Олимжон номли, Алексеевский номли совхоз далаларига чиқдик. Қисқа вақт ичида пахтакорлар билан ёнма-ён туриб, областнинг катта хирмонига 4 минг тонналик хирмон билан муносиб улуш қўшдик.

Б. ЎРИНБОЕВ,
Жиззах давлат педагогика институти ректори, профессор.




МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Областнинг Арнасой районидаги Юлиус Фучик номли совхоз саршуносларн пахтачилик учун анча ноқулай келган бу йил омилкорлик билан иш юритиб мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Йиғим-теримни ипатоволиклар методи асосида пухта ташкил этган хўжалик пахтакорлари мавжуд ҳосилни исроф қилмасдан аъло сифат билан йиғиштириб олишга эришдилар. Она-Ватанга 13000 тоннадан зиёд чўл дурдонаси етказиб беришди.

Шу кунларда совхоз механизаторлари мўл ҳосил гарови бўлган қишки тадбирларни юксак сифатлар билан олиб бормоқдалар. Сугориладиган майдонлар унумдорлигини оширишда шудгорлашдан олдин тупроқ-иқлим шароити, тупроқнинг агрохимик характеристикаси, шунингдек, ернинг мелиоратив ҳолатини ҳисобга олган ҳолда тўғри ўғитлаш муҳим роль ўйнайди. Шуни яхши билган пахтакорлар агрохимиклар бошчилигида шудгорлашдан олдин ерларга керакли миқдорда минерал ва органик ўғитлар солишаётир. Ундан сўнг майдонлар икки яруслн плуглар ёрдамида 40—45 сантиметр чуқурликда ҳайдалмоқда.

Совхоздаги мавжуд 42 ҳайдов трактори билан кунига ўртача 400—420 гектар майдон сифатли шудгорланяпти. Трактористлар ўртасидаги мусобақада Расул Ғафуров илғорликни қўлдан бермаётир. Моҳир механизатор кунига 1,5—2 кунлик график миқдорида иш бажариб, қасбдошларига намуна бўлмоқда. Суратда: Р. Ғафуров.

А. Тўраев фотоси.



ДЕҲҚОН ҚАНОТИ

Ота-боболар, қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди дейишди. Бугун ҳеч иккиланмай терим машиналари ва унинг механизаторларини — пахтакорларнинг қатордаги нори, суянган тоғи деса бўлади. Мен чўлга келиб, чўлқуварлар учун энг зарури механизаторлик эканини сездим. Шу сабабли уста пахтакор Эгиз Алимқулов бошқарувчилик қилаётган бўлимга механизатор бўлиб жойлашдим.

Бўлимимиз коллективи 545 гектар майдонга барака уруғи қадаб йил бўйи қилган ҳалол меҳнатлари эвазига мўл пахта ҳосили етиштирдилар. Ғўзаларни асосан машинабоп қилиб ўстирганлигимиз туфайли сифатли дефолиациядан кейин агрегатларнинг пайкалларда юксак унум билан ишлашига эришдик. Бугунги кунга келиб бўлимимиз коллективи зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятлар шараф билан бажарилди. Лекин пахтакорнинг иши бу билан тугамайди. Ҳали олдимизда мавжуд машиналар билан йиғиштириб олиндн.

Турсун Қаюмов билан Ҳасан Тўраевларнинг ҳар бири машина бункерларидан 100—110 тоннадан дурдона тўкяпти. Менинг ўзим машиналар билан 130 тонна пахта тердим.

Бригадамиздагина эмас, совхозимизда, районимизда областимизда ҳам зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятлар шараф билан бажарилди. Лекин пахтакорнинг иши бу билан тугамайди. Ҳали олдимизда мавжуд майдонларни сифатли шудгорлаш, ерларга етарли миқдорда органик ва минерал ўғитлар солиш вазифаси турибди. Бу ишларни узоғи билан 10—15 кунда бажариш учун барча имкониятлар мавжуд. Шу кунларда қудратли ҳайдов тракторлари билан 2—3 кунлик графикка тенг иш бажарямиз.

Абдураҳим АЛИМҚУЛОВ,
Дўстлик районидаги Сарикисов номли совхоз механизатори.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

✦ Қўриқ область пахтакорлари она-Ватан хирмонига 360 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» тўкиб, ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар.

✦ «Занғор кема» капитанлари ялпи ҳосилнинг 83 процентини агрегатлар ёрдамида йиғиштириб олдилар. Бу муваффақият 3 мингдан зиёд терим агрегатлари ва бошқа техника воситалари юксак унумларда ишлатилиши туфайли қўлга киритилди.

✦ Дўстлик район пахтакорлари 80 минг тонналик улкан «оқ олтин» хирмонини тиклаб, районлар ўртасида байроқдорлик қилишди. Шунисн қувонарлики, ялпи ҳосилнинг 90 процентдан кўпроғи агрегатлар бункеридан тўкилди.

✦ Областда катта хирмон кўтараётган хўжаликлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Дўстлик районидаги Ленин номли, «Октябрь 50 йиллиги», Қосим Раҳимов номли, «Комсомол», Саркисов номли, Арнасой районидаги Юлиус Фучик номли, Пахтакор районидаги «Самарқанд», Мирзачўл районидаги «Ўзбекистон», С. Сегизбоев номли совхозлар ва Жиззах районидаги «Москва» колхозида 12—15 минг тонналик ва ундан ҳам зиёд «оқ олтин» хирмони уйилди.

✦ Область заршуносларн қабул пунктларига 460,4 тонна «кумуш тола» етказиб бериб, катта муваффақиятга эришдилар. Ҳар қутн қурт уруғидан 70,8 килограммдан пилла олишди.

✦ Сабзавоткорлар шаҳарликлар дастурхонига 62,7 минг тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб бердилар. Бу пландагидан 12,7 минг тонна кўпдир.

✦ Соқибкор ва боғбонлар чўлқуварлар дастурхонига пландаги 9 минг тонна ўрнига 12,8 минг тонна хўл мева етказиб беришди.

✦ Қўриқ область боғларида бу йил ҳар қачонгидан ҳам кўп узум етиштирилди. Мирзакор боғбонлар эл дастурхонига 35,5 минг тонна узум тортиқ қилишди. Бу деярли икки планга тенгдир.

✦ Полизкорлар шаҳарликлар дастурхонига пландаги 125 минг тонна ўрнига 154,5 минг тонна қовун-тарвуз етказиб бердилар.

ГЕКТАРИДАН 55 ЦЕНТНЕРДАН

Совхозимизда донгдор пахтакорлар кўп. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Расул Ҳайдаров, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор Бурҳон Турднев ва бошқалар бошлиқ бригада пахтакорлари қўриқ ерда ҳосилдорликни ошириш, комплекс механизация асосида мўл, таннархи арзон ва юқори сифатли пахта етиштириш соҳасида йилдан-йилга қувончли натижаларни қўлга киритишяпти. Бригадамиз аъзолари бундай омилкор заршуносларнинг бой тажрибасини доимо ўрганишга ҳаракат қилмоқдалар. Биз илғорлардан ўрнак олиб, уларнинг тажрибалари асосида 70 гектар ерда деҳқончилик қилган эдик. Йил бўйи тер тўкиб қилган меҳнатимиз зое кетмади. Ғўзаларни серҳосил ва машинабоп қилиб ўстирдик. Терим олдидан ҳосилни чамалаб ҳар гектар ердан пландагн 30,3 центнер ўрнига 45 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга аҳд қилдик.

Она-ернинг саховати ўзгача. Меҳнат қилган деҳқонни сийлайди. Меҳнат эса кишини ҳеч қачон доғда қолдирмайди. Керагича меҳнат қилган киши ердан истаганча ҳосил олиши мумкин. Биз шуни ҳисобга олиб, бригадамизда қатъий тартиб жорий қилганмиз. Далалар ҳосилдан бўшагандан бошлаб, то унга барака уруғи қадалгунча ернинг ихтиёри механизатор Аҳмад Бобошевга топширилиб қўйилади. У далаларни шудгорлаш ишини кўнгилдагидек қилиб бажаради. Сўнг зарур бўлса, яхоб суви беради, баҳорда эса унн экишга тайёрлаб беради.

Далага уруғ қадаш иши эса механизаторлардан Турсун Қаюмов билан Ҳасан Тўраевларга топширилади. Улар чигит экишни шундай ўтказишадики, токи ғўза парваришн даврида ўзлари қийналишмайди. Ҳосил йиғим-терими даврида ҳам қатор ораларидан ўзлари юришади. Бу тадбир бу йил ҳам ўзини оқлади. Биз 30,3 центнер ўрнига 55 центнердан ҳосил етиштирдик. Бригадада планда мўлжалланганидан 65 тонна кўп — 277 тонна пахта биринчи сортларга ўтказилди. 365 тонна ҳосилнинг ҳаммаси машиналар билан йиғиштириб олинди.

Турсун Қаюмов билан Ҳасан Тўраевларнинг ҳар бири машина бункерларидан 100—110 тоннадан дурдона тўкяпти. Менинг ўзим машиналар билан 130 тонна пахта тердим.

Бригадамиздагина эмас, совхозимизда, районимизда областимизда ҳам зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятлар шараф билан бажарилди. Лекин пахтакорнинг иши бу билан тугамайди. Ҳали олдимизда мавжуд майдонларни сифатли шудгорлаш, ерларга етарли миқдорда органик ва минерал ўғитлар солиш вазифаси турибди. Бу ишларни узоғи билан 10—15 кунда бажариш учун барча имкониятлар мавжуд. Шу кунларда қудратли ҳайдов тракторлари билан 2—3 кунлик графикка тенг иш бажарямиз.

Рўзб МАМАТОВА,
Мирзачўл райондаги Абай номли совхоз бригадири, СССР Олий Совети депутати.

Б. ЎРИНБОЕВ,
Жиззах давлат педагогика институти ректори, профессор.

Йиллар ва обидалар

ИККИНЧИ УМР

ШАРҚ МЕЪМОРЧИЛИГИ ДУРДОНАЛАРИДАН БИРИ — БИБИХОНИМ МАДРАСАСИ АСЛ ҲОЛИГА КЕЛТИРИЛЯПТИ

Самарқанд. Сиёб бозорининг чап ёнидаги афсонавий обида шаҳарга киришингиз билан диққатингизни ўзига жалб қилади. Бу — жаҳонга машҳур Бибихоним мадрасасидир.

Бош масжиднинг олд қисми айни кунда юксак ҳавозалар билан ўралган. Кўтарма кран гулли гиламчаларга ўхшаш безаклар ва қурилиш ашёларини пештоқ остида ишлаётган усталарга етказиб турибди. Қраннинг ҳаракатига қараб, иш секин ва эҳтиётқорлик билан олиб борилаётганлигини сезиш қийин эмас. Бу, аввало, асрлар давомида турли «савдо»ларни бошдан ўтказган пештоқ, минора, деворларнинг чўккани, ёрилгани, безакларнинг кўчиб тушгани билан боғлиқдир. Усталар таъмирлаш жараёнида уларни аввалги ҳолидай қилиб, безаклар билан пардозлаб юбормоқдалар. Ерда ҳажми ва шаклига биноан қолипга қуйиб тайёрланаётган безаклар ҳам кўп меҳнат талаб қилади. Буларнинг ҳаммаси иш суръатига таъсир кўрсатяпти. Лекин таъмирлаш катта маҳорат ва санъаткорлик билан олиб борилаётир.

Бу ишларни Мирумар Асадов бошлиқ бригада усталари бажаришяпти. Мирумар ака самарқандлик машҳур дурадгор Абдуҳафиз отанинг невараси. Уста Ширининг энг истеъдодли шогирдларидан биридир. Мирумар ака бугунги кунга қадар кўплаб таҳсинга сазовор ишларни бажариб қўйди. Устози Уста Ширин раҳбарлигида А. Навоий номли Ўзбекистон ССР давлат академик Катта театри, Муқимий номли ўзбек давлат музикали театри ва бошқа бир қанча биноларда ганчкорлик ишларини амалга оширди. Ўзбекистон ва Тожикистонда қурилган ва таъмирланган кўплаб ёдгорликларда ҳам Мирумар аканинг муносиб ҳиссаси бор. У кишининг Регистон ва Тиллакори мадрасаларидаги катта ижодий меҳнати Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти билан тақдирланди. Бош уста билан сима-ён ишлаётган укаси Мирсаид, ўғли Сухроб, акасининг ўғли Мирҳаким ва шогирдлари Абдусамад, Абдуворис, Ёдгор, Ражми, Ўлмаслар ҳам турли хилдаги мукофот ва кўргазмалар медалларига сазовор бўлганлар.

Тарихчи Шарофиддин Али Язди: «унинг гумбази, агар осмон гумбази бўлмаганида, якка-ю ягона бўлур эди», деб таърифлаган бош масжиддаги улкан гумбаз асрлар ўтиши билан қулаб тушган эди. Бундан уч йил бурун ҳам масжид ичидан кундуз кунлари офтоб, тупlари юлдузлар кўриниб турарди. Бу гумбазни тиклашдек гоят мураккаб ва масъулиятли вазифани Шамси Сайдиев бошлиқ усталар ўз зиммаларига олдилар. Бу усталар илгари ҳам кўплаб обидаларни тиклашда иштирок этган, қўллари гул ва катта тажрибага эга эдилар. Барок, бош масжиддаги улкан гумбазни тиклаш олдидан улар янада кўп парсаларни ўрганишларига, архитекторлар билан лойиҳа устида кўп бош қотиришларига тўғри келди. Бу изланиш, баҳс-мунозаралар оқибатда аниқ бир тўхтамга олиб келди. Гумбаз асл ҳолига келтириладиган, яъни аввалгидек иккита қаватли бўладиган, уни тиклашда гишт ва темир-бетон конструкцияларидан унумли фойдаланиладиган бўлди. Замонавий техника воситалари бу қийин ишни осонлаштирди. Тез орада устки қисм аъло даражада тикланди. Ҳаворанг кошинлар билан безатилган гумбаз узра кундузи офтоб нурлари, кечалари ой шуъласи жилолана бошлади.

Бу, албатта, Ўрта Осиёдаги энг йирик обида — Бибихоним масжидини таъмирлаш борасида қилинган ишлардан бир лавҳа, холос. Бу қутлуғ иш давом этмоқда...

Амир Темур томонидан қурдирилган бу иншоот асосан икки қисмдан — Жоме масжиди ва Кириш пештоқидан иборат бўлган. Бибихоним масжиди қисқа вақтда — 1399-1404 йиллар ичида таниқли меъморлар ва усталар томонидан бунёд этилди. Унинг Кириш пештоқи юксак, икки ёнидаги миноралар баландаги эса 80 метрни ташкил этган. Жоме масжидининг миноралари Кириш пештоқиникига нисбатан паст. пештоқи тенг бўлса-да, гумбази гоят маҳобатли эди. Икки қисмни 400 тадан устун устига ўрнатилган гумбазчалар, улар ўртасида икки қаватда қурилган қовургасимон гумбазлар бир-бирига туташтириб турган. Масжиднинг девор, пештоқ ва гумбазлари нилий-ранг кошинлар ва турли хилдаги нафис нақшлар билан безатилган.


Лекин Бибихоним масжиди геометрик мутаносибликнинг бузилиши, улкан гумбаз ва пештоқларнинг деворларга нисбатан оғирлик қилиши натижасида тикланган вақтданоқ чўка бошлаган. Масжиднинг бора-бора вайронага айланишида кейинги зилзилаларнинг, бошқа табиий офатларнинг таъсири катта бўлди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин барча тарихий обидалар қатори Бибихоним масжидини сақлаб қолиш ҳақида ҳам амалий фикрлар юритила бошланди. Республика Маданият министрлиги ёдгорликларни муҳофаза қилиш бош бошқармаси. Самарқанд область тарихий-маданий ёдгорликларини сақлаш жамияти, Самарқанд илмий реставрация устахонаси мутахассислари ва таниқли меъмор-бинокорлар 1976 йилда масжидни консервация қилишга киришдилар. Консервациялаш 1978 йилда ниҳоясига етди. Бу ишни амалга ошириш жараёнида масжидни ўз ҳолига келтириш мумкин, деган дадил хулосага келинди ва шу йилнинг ўзидаёқ таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Бу улкан иншоот учун 5 миллион сўм маблағ ажратилди. Область партия комитети, халқ депутатлари область Совети ижроия комитети кенг кўламли ишни қўллаб-қувватлаганлиги ва айни пайтда яқиндан ёрдам бераётганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Айни кунларда Жоме масжиди ва Кириш қисмининг пештоқлари, миноралари, икки қанотдаги қобирғасимон гумбазларни таъмирлаш қизғин давом этмоқда. Қилинадиган ишлар ҳали жуда кўп. Дастлабки режаларга биноан Бибихоним масжиди таъмирлаш 1985 йилда тугалланиши лозим. Бироқ, иш жараёнида орттирилган тажрибалар шуни кўрсатяптики, мўлжалланган вақтда мақсадга эришиш учун ансамблни материаллар билан таъминлашда узилишларга чек қўйиш керак. Таъмирчилар замонавий техника воситалари билан тўла таъминланиши лозим. Шу билан бирга қурилишдаги малакали ишчилар сони янада кўпайтирилиши, иш кўлами тағин ҳам кенг миқёсда ташкил этилиши кун тартибидаги долзарб масалага айланмоқда.

Шаҳарнинг ям-яшил боғлоғлари, замонавий бинолари қаторида тарихий обидалар ҳам вицор билан қад кўтариб турибди. Улар халқимиз нфтихори, маданий хазинамизнинг беҳбо жавоҳирларидир. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз бу обидаларни сақлаш ҳамда авайлаб-асраш жуда катта эътибор борянти. Кейинги йилларнинг ўзида Улуғбек, Шердор, Тиллакори мадрасалари сингари кўплаб ёдгорликлар таъмирланди. Мана энди Бибихоним масжидида ана шундай қутлуғ иш қизғин давом эттирилияпти. Ҳадемай Бибихоним масжиди ҳам Самарқанддаги бошқа обидалар сингари маҳобат ва гўзаллик билан ўзининг иккинчи умрини давом эттиради.

А. ҚОРЖОВОВ.



Суратда: таъмирланаётган Бибихоним мадрасаси ансамблининг махотдаги кўриниши.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги
ТОШКЕНТ ЎРТА ҲУНАР-ОШПАЗЛИК БИЛИМ ЮРТИ
1981—1982 ўқув йили учун
ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ТУРЛИ РАЗРЯДДАГИ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ОШПАЗЛАР, КОНДИТЕРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

Ўқиш муддати 10 синф маълумоти борлар учун — 2 йил, 8-синфни битирганлар учун — 3 йил.

УҚИТИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқиш 2 январдан бошланади.

ЎҚИШГА ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА ЯШОВЧИ 15—20 ЁШДАГИЛАР КИРИШ ИМТИҲОНИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Битирувчиларга ошпаз ёки кондитерлик мутахассислиги билан бир қаторда ўрта маълумоти ҳақида диплом берилади.

Барча ўқувчиларга ойига 32 сўмдан 41 сўмгача стипендия тўланиб, бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Билим юрти қошида волейбол, футбол, сузиш каби спорт секциялари билан бир қаторда хор, ўзбек ансамбли каби бадиий тўгараклар мунтазам равишда ишлаб туради.

Ўқиш даври иш стажига қўшилади.

Ишлаб чиқариш практикалари Тошкент шаҳридаги йирик ошхона ва ресторанларда олиб борилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: директор номига ариза; автобиография, 6 дона 3х4 см. ҳажмидаги расм, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, маълумоти ҳақида ҳужжат, медицина справкаси (286-форма), характеристика, яшаш жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, савдо ёки умумий овқатланиш трестидан йўлланма.

Бизнинг адрес: 700071. Тошкент шаҳар Октябрь район, Самарқанд дарвоза кўчаси, 60-уй (4, 9, 11-трамвайлар, 29,32, 34, 36, 43«а», 90-автобусларнинг «Оқтепа» бекати).

Телефонлар: 78-26-27, 78-82-69.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг янги ташкил этилган
235-РАДИОТЕХНИКАЛАР ЎРТА ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
8-синф ҳажмида маълумотли йигит ва қизлардан қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул қилади:
ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Радиоаппаратуралар ва приборлар монтажчиси, радиоаппаратуралар созловчиси, токарь-универсаль, гальваник.

ЎҚИШ МУДДАТИ 3 ЙИЛ.

Ўқувчиларга билим юртини тугатганларидан сўнг диплом берилади, улар ўқиш давомида давлат таъминотида бўладилар. Талабалар ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ ИМТИЁЗЛИ ДИПЛОМ БИЛАН БИТИРГАНЛАР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ҚИРИШ ИМТИҲОНЛАРИНИ ТОПШИРМАЙ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. БОШҚА ШАҲАРЛИКЛАРГА ЁТОҚХОНА БЕРИЛАДИ.

Қирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ариза, таржимаи ҳоли, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат, 286-формадаги медицина справкаси.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 12-алоқа бўлими, 2-«Сергели массиви» 64«а»-уй (40, 58, 75-автобуслар ва 19-троллейбуснинг «3-квартал» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
228-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича:
ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

саноат ускуналари ремонти ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича слесарь-сантехник, электромонтёр, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматиканинг токари ва слесари.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ой.

Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган йигитлар қабул қилинади.

Билим юртига қабул қилинганлар ойига 80 сўм стипендия ва ишлаб чиқариш фаолияти даврида ишланган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

МАШҒУЛОТЛАР ЎҚУВ ГРУППАЛАРИНИНГ КОМПЛЕКТЛАНИШИГА КЎРА БОШЛАНАДИ.

Аризалар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, 19-алоқа бўлими, Собир Раҳимов райони, Собир Раҳимов кўчаси, 313-уй.

СПОРТ

СУЗИШ:

ТАЙЁРГАРЛИК БОСҚИЧИ

Ленинградда СССР кубоги учун кўпкураш баҳслари ўтказилмоқда. Чет эл спортчилари иштирокида ўтказилаётган бу мусобақа яна бир неча кундан кейин Лондонда бошланадиган Европа кубоги баҳсларига тайёргарлик босқичи ҳисобланади. 240 сузувчи 11 командага бўлиниб, совриндорлик учун курашмоқда. Мусобақанинг дастлабки куни юқори натижалар қайд қилинди. Республикамиз сузувчилари ҳам мухлисларини мамнун этишди. Европа чемпионатининг кумуш медали совриндори, тошкентлик Лариса Белакоиь 50 метрли масофага брасс усулида сузиб, 33.67 секунд вақт сарфлади. Унинг ўқитувчиси Тимур Подмарёв эса ана шу усулда мазкур масофани 33,15 секундда босиб ўтди. Тимур Европа чемпиони Юрий Кисдан 7 секундга илгарилаб кетди.

БАҲСЛАР МАРРАЛАР, ҒОЛИБЛАР

● **ШАХМАТ.** Фрунзеда кучли шахматчилар ўртасида ўтказилаётган мамлакат чемпионатининг еттинчи тур ўйинларидан кейин пешқадам ўзгарди. Минсклик В. Купрейчик бундай мусобақада биринчи марта иштирок этаётган тошкентлик Г. Аъзамов билан дона суриб, муваффақият қозонди. Унинг очколари 4,5 тага етди. Г. Аъзамов москвалик С. Долматов, ворошиловградлик Г. Кузьминлар билан учрашувларини дуранг қилди. Шундай қилиб, вакилимиз олти имкониятдан 2 очко тўплади. Унинг ҳисобида битта кечиктирилган ўйин бор.

● **ФУТБОЛ.** Тошкентда «Ҳосил байрами» совринни учун ёшлар ўртасида анъанавий мусобақа ўтказилмоқда. Совриндорлик учун курашда 6 команда — Туркманистон, Қозоғистон, Тожикистон, Арманистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон футболчилари куч синашмоқда. Республикамиз футболчилари Қирғизистон (1:0), Туркманистон (2:0) коллективларидан устун келиб, 4 очко билан олдинда боришмоқда.

Редактор ўринбосари Б. ЮСУПОВ.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/XII да Гурунг (премьера), 11/XII да Шошма куёв.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/XII да Хизматингизга тайёрмиз, 11/XII да Кулги кечаси.

●

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
9 ДЕКАБРДАН БОШЛАБ
ЯНГИ ПРОГРАММА
СОВЕТ ЦИРК УСТАЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

Цирк санъатининг ҳамма жанрларидан турли хил программа намойиш қилинади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишламоқда. Телефон 44-35-91.

●

КИРОВ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

участка бошлиғи, прораб, электр-газ пайвандчилар, слесарь-сантехниклар, слесарь-ремонтчилар, электромонтёрлар, сувоқчилар, бўёқчилар, гишт терувчи бетончилар, дурадгорлар, ёрдамчи ишчилар, пардозловчилар, юкчи-такелажчилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — Аҳолини ишга жойлаштириш бюросининг марказий пункти.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — янги программа, Совет цирки усталарининг гастроллари (19.30).

●

«ҚИРҚҚИЗСОВХОЗСТРОЙ» БИРЛАШМАСИНИНГ 30-МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН КЎЧМА КОЛОННАСИГА

Тўртқўл шаҳридаги тўқимачилик фабрикаси қурилишига газ-электр пайвандчилар, темир-бетон ва металл конструкцияларининг электр монтажчилари, арматурачилар, дурадгор-бетончилар, дурадгорлар, гишт терувчилар, том ёпувчилар, сувоқчилар, бўёқчилар

КЕРАК

Қурилишга борувчиларга кўтарма пули берилади, меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли, 1,4 процент район коэффициенти тўланади.

Елғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади, оилалидар бир йил ичида квартира оладилар.

Хоҳловчилар ушбу адресга мурожаат этишлари мумкин: Қорақалпоғистон АССР, Тўрткўл шаҳри, Қирққиз повороти.

Тошкент Давлат университети ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари, биология-тупроқшунослик факультети ва ботаника боғи коллективлари шу боғнинг директори доцент Р. А. Абдуллаевга отаси

Абдулла ШАРИПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АХБОРОТ

ДЎСТЛАР ДАСТУРХОНИГА

Пахтачиликни йилдан-йилга ривожлантираётган Дўстлик райони чўлқуварлари қишлоқ хўжалигининг бошқа хил маҳсулотларидан ҳам мўл-кўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлаётирлар. Улар етиштираётган қовун-тарвуз, пиёз, ерёнғоқ каби турли мевалар Иттифоқимизнинг бир қатор саноат марказларига юборилди.

Бу йил район матлубот жамияти коллективи Владивостокка 10200 тонна, Свердловга 8051 тонна тарвуз жўнатишди. Эстония ССР, Ленинград ва Барнаул шаҳарларининг меҳнаткашлари минг тоннага яқин пиёз олдилар.

Район матлуботчилари чет эллик дўстларимиздан олган буюртмани ҳам бажаришди. Болгария Халқ Республикаси адресига 68 тонна, Югославия Социалистик Федератив Республикасига эса 56 тонна чўл ерёнғоғи жўнатилди.

ТАЛАБАЛАРГА СОВҒА

Самарқанд озиқ-овқат техникуми талабалари учун ўқув корпуси ёнида очилган ошхона ҳунар ўрганиш учун яхши база бўлиб хизмат қилади. Бўлажак ошпазлар бу ерда мазали овқатланибгина қолмай, амалда ошпазликни ҳам ўрганадилар. «Самаркандхимстрой» бирлашмасига қарашли 5-қурилиш монтаж бошқармаси бинокорлари объектни муддатидан илгари битказиб ўқувчиларни хушнуд қилдилар.

ДАВОЛАНИШ КОМПЛЕКСИ

Чирчиқ шаҳридаги 10-автобаза ҳузурида очилган даволаш комплекси составида яна 2 та даволаш профилактика кабинети ва фин ҳаммоми очилди. Комплекс корхонани социал ривожлантириш планига мувофиқ автомобиль хўжалиги маблағи билан қурилди. Шоферлар ва ремонтчилар бу ерда врачлар кўригидан ўтадилар, зарур дори-дармон қабул қилиб соғлиқларини мустаҳкамлайдилар.

ТУРИСТИК МАРШРУТЛАР

Ангрен шаҳар саёҳат ва экскурсия бюроси ходимлари мактабгача ёшдаги болалар ва ўқувчилар учун янги туристик маршрутлари очдилар. Шахтерлар шаҳрида болалар Ангреннинг марказий кўчаларини бўйлаб мароқли саёҳат қиладилар. Бу экскурсия «қизил, сариқ, кўк» деб аталади. Болалар боғчалари тарбияланувчилари шаҳардаги асосий кўчаларда йўл ҳаракати, хавфсизлик техникасининг асосий қоидалари билан танишадилар. Каттароқ ёшдаги болалар шаҳардан ташқарида «Бизни қуршаб турган табиат», «Ўзбекистоннинг доривор ўсимликлари», «Тоғ ва афсоналар диёри» маршрутлари бўйлаб сафарга чиқадилар. Бу маршрутлар ўқувчиларга ўз ўлкаларининг ўтмишини, диққатга сазовор жойларини, ўсимлик ва ҳайвонот оламини яхшироқ билиб олишга кўмаклашади.

САЙЛОВЧИЛАР НАКАЗИ АСОСИДА

Беруний районида қишлоқ марказий касалхонасида янги икки қаватли уй қурилди. Бу ерда кардиология бўлими ва унинг ёрдамчи хоналари энг янги медицина техникаси билан жиҳозланган. Район меҳнаткашларининг ўз депутатларига берган яна бир накази бажарилди. Ҳозир бу ерда депутатларнинг ташаббуси билан 120 ўринли болалар касалхонаси қад кўтармоқда. стоматология поликлиникаси қурила бошланди.

УСТОЗ ИБРАТИ

МИНГ БИР КАСБ БОР ДУНЁДА

Тошкентдаги Ленин Комсомоли номли маданият ва истироҳат боғининг шундоққина биқинидаги гиштин бинога республика стенография ва машинкада ёзув курси жойлашган. «Оқ олтин» диёрининг муассаса ва ташкилотларида ишлаётган стенографист ва машинисткаларнинг аксарияти шу ерда таълим олган. Бу ноёб билим ўчоғида эртаю кеч ҳаёт қайнайди. Бўлажак стенографистлар аудиторияларда мазмунли лекциялар тинглаётган, қўшни хоналарда эса машинкада ёзиш бўйича амалий машғулотлар ўтказилаётган бўлади. Курс директори Муҳиддин Муродов нодир ва шарафли касб жонкуяри сифатида республикамизга танилган. Унинг бутун онгли фаолияти Ўзбекистонда стенография таълимини ташкил қилиш ва ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ дейишганича бор. Мана 47 йилдирки, у республика стенография ва машинкада ёзув курсига директорлик қилиб келяпти.

Дастлаб ўзи стенограф бўлиб ишлади. Ўзбекистон Компартиясининг кўпгина съезд ва конференцияларида, республика ёзувчиларининг съезд ва мунозараларида стенографистлик қилиш билан чиниқди. 1928 йилдан бошлаб стенография бўйича педагоглик қила бошлади. Ниҳоят 1935 йил 1 февралда иш бошлаган курсга директор қилиб тайинланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, М. Муродов Иттифоқимизда биринчи қатори Давлат Бирлашган стенография системасини ўзбек ва тожик тилларига татбиқ этди. Унинг бу лойиҳаси ва ўзбек тилидаги биринчи стенография дарслиги 1937 йили тилшуносларга ва стенография соҳасидаги мутахассисларнинг умуммиллий конгрессида маъқулланди. Стенография дастлаб ўрта мактабларнинг юқори синфларида, кейинчалик Тошкентдаги университет, педагогика институти ҳамда Олий партия мактабида ўқитилишида ҳам унинг хизматлари оз эмас. Курсда педагоглар гуруппаси ташкил этиб, стенография ва машинкада ёзув ўқитувчилари тарбиялаш ташаббускори ҳам М. Муродов эканлигини ким билмайди дейсиз?!

У ёзув машинкаларининг ҳарфлар клавиатурасини тартибга солиш ишига ҳам қўл урди. Ўзбекча ёзув машинкалари учун стандарт клавиатура ишлаб чиқди. Ўзбек ва рус тилларида 40 минг-дан 80 минггача бўлган сўз формаларида унли ва ундош ҳарфларнинг учраш процентини аниқлади.

Стенография, машинкада ёзув ҳамда идора—аппарат ишларини юритиш йил сайин тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Республика стенография ва машинкада ёзув курси кейинги ўттиз йил ичида 10 мингдан ортиқ секретарь-стенографистка ва машинистка тайёрлаб чиқарди.

Ўзбекистонда стенография таълимининг ташкилотчиси, ўз касбига меҳри баланд Муҳиддин Муродов «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» деган шарафли унвонга эга. Меҳнат Қизил Байроқ ордени ҳамда қатор Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Билим ва ҳунарга чанқоқ ёшлар республика стенография ва машинкада ёзув курсига ҳам кўплаб борaётган экан, бунга сира ажабланмаслик керак. Зотан, М. Муродов сингари педагоглар бор экан, бу қутлуғ даргоҳ ёшлар учун севимли маскан бўлиб қолаверади.

Я. МОРДУХАЕВ.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

МАЙМУН ГАПИРА ОЛАДИМИ?

САН-ФРАНЦИСКО. Стенфорд университетининг профессори Пенни Паттерсон маймунни одам тилига ўргатиш мумкинми, деган саволга жавоб топишга уринмоқда.

Калифорнияда чиқадиган «Окленд трибуюн» газетасининг хабар қилишича, мана ўн йилдирки, профессор иккита горилла билан ҳар куни «машғулот» ўтказиб келади. «Коко» деган уруғчи горилла кўпроқ қобилиятли чиқиб қолди. Маймун миттага яқин сўзни тушуняди ва уларнинг маъносини кар-соқовлар тилида ўзи билдира олади. Бунда у, қўл ҳаракатларига монанд тегишли товушлар ҳам чиқаради. Иккинчи «шогирд»—эркак «Мишель»нинг «сўз запаси» ҳозирча бирмунча камроқ.

Таълим жараёнида галати бир воқеа аниқланди. Иккала горилла ҳам расм чизишга кўпроқ қизиқиб қолди. Улар кичикроқ картиналардан тузуккина нусха кўчирмоқдалар ва 64 хил туснн яхши фарқ қила оладилар.

«ЭНЕРГЕТИКА АРХИПЕЛАГИ»

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО. Бразилия кончилик саноати ва энергетика министрлиги «энергетика архипелаги» деган қизиқарли бир экспериментни амалга оширишга киришди. Эндиликда Перимабуки штатидаги Каруару шаҳарчасининг аҳолиси ўз уйларини иситиш, шамолни ва ёритишда қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланади.

Экспериментни амалга ошириш жараёнида турли энергия манбаларини синаб кўриш мўлжалланади. Тажрибаларнинг жами қиммати 165 миллион крузейроии ташкил қилади. Бразилиялик мутахассисларнинг фикрича «энергетика архипелаги» экспериментни мамлакатнинг бошқа районларида шундай программаларни жорий этиш учун намуна бўлиб хизмат қилади.

ДОВЮРАК ЧУПОН

Дилижан ўрмонларини қуршаган қишлоқларда яшайдиган кўпгина чўпонлар ва овчилар кўкраги қашқа ва қулоғи ўқдан чиноқ бўлган шу айёр бўрини кўпдан бери ўлдиримоқчи бўлар эдилар. Бу катта ва учқир ҳайвон пода ва отарларни неча бор тўс-тўполон қилиб, ҳар сафар навбатдаги қурбонини бемалол олиб кетиб улгурар эди. Шундай қилиб бўри Арманистоннинг баланд тоғликдаги Гош қишлоғи чўпони М. Бабаян билан учрашмаса, унинг номи «қўлга тушмас» бўлиб кетишига сал қолганди.

Чўпонлар подани тоғдан қишлоққа ҳайдаб тушаётиб, чорва учун пастгина ғовланган қўтонга тунагани тўхтадилар. Бўри тун оралаб бўққа келди, лекин Бабаян ҳушёр турганди. У катта бир таёқ билан қароқчининг бошига боплаб туширди. Етиб келган ўртоқлари ёрдамида гангиб қолган бўрини боғлаб олишди.

(ТАСС).

Редактор ўринбосари Б. ЮСУПОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ҳамма парсадан азиз. Кинопопея 1-фильм. 11.05 — Саккизинчи соната. 11.35 — Ишлар адреслари 12.35 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — А. Фадеев — ёзувчи, гражданин, коммунист. 17.05 — Буюк кашфиётлар пайдан. 18.00 — Фильм-концерт. 18.30 — Қўл тўпи бўйича халқаро турнир. СССР — Венгрия. 19.00 — Кувноқ нотачалар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Очиқчасига гап. 20.00— Концерт. 20.35— Ҳамма парсадан азиз. Кинопопея. 2-фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Фестивалдар... Конкурслар... Концертлар. 23.10 — Дунё воқеалари. 23.25 —Ҳужжатли фильм. 16.15 — А. Фадеев

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильм. 10.05, 13.10 ва 17.30 — Шахмат мактаби. 10.35 ва 11.45 — Табиатшунослик. 10.55 — Синтетик каучуклар. 11.25 — Ҳужжатли фильм. 12.05 ва 17.00 —Француз тили. 12.40 ва 13.40 —Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 14.10 — Бир актёр театри. 15.10 — Физика. 15.40 — Тарих. 16.10 — А. С. Пушкин. Мис чавандоз. 19.30 — Концерт. 19.50 — Синхрон сузиш бўйича СССР кубоги. 20.15 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 21.15 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Қорақумларда. Бадиий фильм. 23.25 — Концерт.

ТОШКЕНТ-I. 18.05 — Болалар учун фильм. 18.20 — Жонажон ўлка. 18.50 — Қўшиқ баҳона. Телетеатр. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Бухоро ип-газлама комбинати. 20.15 — Пахтакорларнинг қишки юмушлари. 20.30 — Ахборот. 20.50 —Концерт. 21.30 — Время. 22.05— У. Мусаев. Ҳинд достони. СССР санъат усталарининг концерти. 9.35 — Шаҳарлар ҳақида қўшиқлар. 12.10 —Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Озуқа цехларида. 14.00 — Дала ишлари кундалиги. 18.15 — Ишлик. 19.25 — Найда А. Қодиров чалади. 20.15 — Шеърият кечаси. 20.30 — Л. И. Брежнев. Тикланиш. 1-қисм. Ўзбекистон ССР халқ артисти Қ. Маҳсумов ўқийди. 22.30 — Ялла ансамбли ижро этади. 23.15 — Дам олиш концерти.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Болалар учун фильм. 18.15 — Концерт. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Физика. 21.20 — Ҳамма учун полиз. Телефильм. 21.30 — Москва-IV.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 32-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-35-53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02390. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б.— 283.